

جدید

2025-yil 9-may
№ 19(71)

www.jadid.uz



Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta



@Jadidrasmiy



@Jadidmediauz



@Jadidrasmiy



@Jadid_uz



ХАЛҚИМИЗНИНГ ҒАЛАБАГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ ЧИНАКАМ МАРДЛИК ВА ҚАҲРАМОНЛИК СОЛНОМАСИДИР



Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига 80 йил бўлди. Шунча вақт ўтса-да унинг тарихи, қулфат ва мусибатлари унутилмайди. Аксинча, урушнинг мудҳиш оқибатлари тинчлик-осойишталик қадрини ёдга солади.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни замирида ана шундай моҳият мужассам.

Президент Шавкат Мирзиёев ушбу сана муносабати билан Ғалаба боғига ташриф буюриб, хотира маросимида иштирок этди.

Сўнгги йилларда шаклланган анъанага мувофиқ, давлатимиз раҳбари "Матонат мадҳияси" ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди.

Хужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган

аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиғи концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 600 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар ордон ва медаллар билан мукофотлангани уларнинг жасоратидан далолат беради.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланган, жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, кийим ва озиқ-овқатлар етказиб турилган. Ғоят оғир шароитга қарамай, халқимиз уруш ҳудудларидан қўчириб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим

болани ўз бағрига олиб, меҳр кўрсатган.

– Булар чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир. Бундай мураккаб ва шонли ғалабага муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Бу қаҳрамонликлари ҳеч қачон унутмаслигимиз, ёшларимизга етказишимиз керак. Айниқса, ҳозирги таҳликали замонда бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ҳаммамиз Ватан ҳимоясига ҳар куни тайёр бўлишимиз керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 февралдаги қарорига мувофиқ, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш куни муносиб нишонланмоқда. Айни вақтда ҳаёт бўлган меҳнат фахрийлари ва кексаларга эҳтиром кўрсатилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Қуролли Кучлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари ва нурунийлар ҳам иштирок этиб, мазкур ёдгорлик пойига гуллар қўйишди.

Давлатимиз раҳбари боғда ўрнатилган "Хотира нури" композициясини ҳам кўздан кечирди. Монумент парвоз қилаётган икки қуш шаклида бўлиб, катта ва ёш авлодлар ўртасидаги ворисийлиқни ифодалайди.

Асар тарихий мерос ва замонавий санъатни ўзида мужассам этган. Унга QR-ҳавола ўрнатилган бўлиб, ташриф буюрувчилар мажмуа ва уруш қаҳрамонлари ҳақида ўқиши, "Хотира нури" китобини юклаб олиши мумкин.

ЎЗА



ИНСОН УЛУҒ – ХОТИРА МУҚАДДАС!

1945 йил 9 май. Инсоният тарихидаги муҳим сана. 1939 йил 1 сентябрь куни дунёга ҳукмронлик қилиш даъвосини илгари сурган, инсониятни даҳшатга, қирғин ва офатларга гирифтор қилган фашизм ғояси асосида бошланган Иккинчи жаҳон уруши мислсиз азоб-уқубатлар, сон-саноксиз қурбонларга сабаб бўлди.

Олти йил давом этган даҳшатли уруш ўша вақтда жаҳонда мавжуд бўлган 73 та давлатнинг 62 тасини, Ер қурагининг 80 фоиз аҳолисини ўз домига тортди. Ҳарбий ҳаракатлар Европа, Осиё ва Африкадаги 40 дан зиёд давлатлар ҳудудида олиб борилди. Қуролли кучларга сафарбар этилган 110 миллион кишидан умумий йўқотиш 70 миллионни ташкил этди.

Бу уруш ядро қуроли қўлланилган энг мудҳиш воқеа сифатида

ҳам тарих саҳифаларига муҳрланди. Ҳарбий ҳаракатлар ва ҳарбий зарар ўша вақтдаги ҳисоб бўйича 4 триллион долларни ташкил этди. Моддий ҳаражатлар урушаётган давлатлар миллий даромадининг 70 фоизигача етди. Мисли қўрилмаган бузғунчилик авж олган урушда ўн минглаб шаҳар ва қишлоқлар вайрон қилинди.

Гарчи, ҳарбий хизматни ўтаётган ўзбекистонликлар 1939 йилнинг ўзидаёқ жанговар ҳаракатларга жалб қилинган бўлса-да, фуқаролар оммавий тарзда 1941 йилдан урушга сафарбар этилди.

Ўша даврда Ўзбекистон ҳудудида яшаган олти ярим миллион аҳолидан икки миллионга яқини урушда иштирок этди. Уларнинг ярим миллиондан кўпи ҳалок бўлди. Бир юз эллик мингдан ортиқ юртодошимиз бедарак йўқолди. Олти юз мингдан ортиқ ватандошимиз урушдан ногирон бўлиб қайтди.

Бу маълумотлар ҳар уч ўзбекистонликдан бири қўлига қурол олиб, фашизмга қарши курашгани, юрти ва умуминсоният учун тинчлик ўрнатилишига ҳисса қўшганидан далолат беради.

Агар ўз уйига, Ватанига қайтмаган ҳар бир аскар ортида 5-7 нафар оила аъзолари борлиги, қанчадан-қанча аёллар бева, болалар етим қолганини ҳисобга олсак, бу рақамларда акс этган фожиалар қўлами янада кенгрок намоён бўлади.

Уруш даврида юз минглаб ўзбекистонлик аскар ва офицерлар кўрсатган қаҳрамонликлари учун жанговар ордон ва медаллар билан тақдирланди. Хусусан, кўплаб ватандошларимиз Совет Иттифоқи Қаҳрамони, учала даражадаги Слава ордонлари билан мукофотланди.

(Давоми 2-саҳифада.) ➔

Жорий йилда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси эълон қилган "2025 йил – Халқаро тинчлик ва ишонч йили", шунингдек, Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги тадбирлари билан уйғун ҳамда ҳамоҳанг нишонланмоқда. Муҳими, бундан кўзланган мақсад – Ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк аجدодларимизга алоҳида эътибор ва чуқур эҳтиром кўрсатиш, ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари — 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб равишда иззат-икром билан шарафлашдир.

ЭЗГУЛИК ЧАРОҒИ

Ўзбекистонга эвакуация қилинган зиёлиларнинг дил изҳорлари

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг бир неча хужжатлари изма-из эълон қилинди. Бу ўринда, хусусан, Ўзбекистон Президентининг 2025 йил 19 февралда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги ва 25 февралда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги" эсдалик юбилей медалини таъсис этиш тўғрисида"ги фармонлари, шунингдек, "Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб

нишонлаш тўғрисида"ги қарори ҳақида сўз бормоқда.

Жароҳат олган минглаб жангчилар Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда даволанган. Уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган.

Халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнгги бурда нонини ҳам баҳам кўрган. Элимизнинг бундай жасорати, бағрикенглик, меҳр-мурувват ва инсонпарварлик фазилатлари ҳали-ҳамон шон-шарф ва ибрат мактаби, ғурур-ифтихорнинг туганмас

манбаи, барча давлатлар ва халқлар учун ўрнак намунаси бўлиб келмоқда.

Беларусдан эвакуация қилинган Елена Бобер кейинчалик шундай ҳикоя қилган: "Ўзбеклар бизга бирор нарса бўйича бирор марта таъна қилмаган. Улар жуда камтарона яшаркан, аммо ҳамиша топан-туғанини биз билан баҳам кўришди. Ўшанда ҳеч ким миллат ажратмаган. Ўзбеклар ёки руслар, украинлар ёки яҳудийлар бўлсин – биз ҳаммамиз оға-ини, опа-сингил эдик".

(Давоми 3-саҳифада.) ➔

МАЛҲАМ



ДАРД ЁМОНИ...

Жуда яқин ўтмиш. Сўридаги оқсоқоллардан бири газетни икки айириб, сўнгги саҳифадаги тиббий маслаҳатдан бир шингилни тенг-тўшларига ҳавола қилади: "Бошни совуқ, оёқни иссиқ тут, шунда бод сенга йўламайди". Бошқаси маъкул, дегандай бош ираб, кўк чойдан симиради. Бири газетхонлик оёқлаганини илғаб, радио қулғини бурайди. Қадрдон оҳангини топади-ю, кўзини юмиб, бош тебрата бошлайди. Ўша кўшиқ тахминан бундог: "Дард ёмони қарилқидир, ёронлар..."

Дарвоқе, яқин йилларгача тизза ва бел оғриқлари чолу кампирларнинг касали ҳисобланарди. Лекин нолишу оҳ-воҳлар объекти тобора ёшариб бораётгандек... Тоғни урса, талқон қиладиган ёшлар ҳам тизза қучиб, шифохона қабулхонасида ғужанак бўлиб ўтиргани, айниқса, хавотирли. Хўш, аҳоли орасида нега тизза бўғимлари емирилиши, чанок-сон бўғими дисплазияси ва шу каби таянч-ҳаракат

тизими билан боғлиқ муаммолар йилдан йилга ортиб бормоқда? Касалликнинг келиб чиқиш сабаблари ва давоси ҳақида маълумот олиш учун Республика тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига бордик. У ерда бизни Жанубий Кореянинг Тежон тиббиёт технологиялари институти профессори, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори, травматолог-ортопед Камолхўжа Эшназаров кутиб олди ва саволларимизга атрофлича жавоб берди:

"Нафақат тизза бўғимлари, бел, чанок-сон соҳасидаги муаммолар кўпайгани сир эмас. Тизза бўғимининг артрози энг кенг тарқалган ортопедик патологиялардан бири ҳисобланади. Бу касаллик тоғай шикастланиши, юпқалашиши ва суяк емирилишига олиб келади. Доимий оғриқ синдроми туфайли беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради ва ногиронлиқни келтириб чиқаради".

(Давоми 5-саҳифада.) ➔

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

АЛУШТАДАН ЭСГАН ЕЛЛАР

1979 йил кузида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг ёш илмий ходимлари – йигирма тўрт йигит пахтага жўнадик. Чинозининг бир қишлоғидаги мактаб биносига ётиб, "оқолтин" терамиз. Ўша кез ҳаммамиз ёш, орзулар катта, дунёда биздан беармон одам йўқдай.

Бу қишлоқ аҳолиси қримтатарлар экан. Саришта эл, ҳар бир уй оқланган, кўчалар ораста. Одамлари хўшмуомала, лекин оғирқарвон. Яхши саломлашишади, аммо танишиб чакчақлашишга хушлари йўқ негадир.

Хайриятки, орадан икки-уч кун ўтгач, ўзимиз тенги бир йигит биз билан эл бўлиб қолди. Оти Халил экан. Сал соддарок, анойироқ. Гаплари ҳам шалдир-шулдир. Тили деярли ўзбекча. Эртаси куни бир қримтатарча қўшиқни қуйлаб берган эди, оҳангию сўзлари ҳаммамизга ёқиб қолди. Қайта-қайта айтириб, ёдлаб олиб, бирга хиргойи қилдик:

Алуштадан эскен еллар юзуме урди,
Балалиғим ўткен ерлер ядима тушту.
Мен бу ерде туралмадим,
Ветениме баралмадим,
Эй, гүзель Крым!..

(Давоми 7-саҳифада.) ➔





ИНСОН УЛУҒ – ХОТИРА МУҚАДДАС!

Бошланиши 1-саҳифада.

Иккинчи жаҳон урушида ўзбекистонликлар Гитлер Германияси ва унга иттифоқдош мамлакатлар томонидан босиб олинган Европа давлатларини озод қилишда ҳам чинакам жасорат ва матонат намуналарини кўрсатдилар. Улар Югославия, Болгария, Греция, Италия, Норвегия, Франция, Чехословакия ҳудудларида мардларча жанг қилдилар.

Совет Иттифоқи Қаҳрамонларидан Илёс Ҳўзов, Қўқор Қаршиев Венгрия учун жангларда, Жуман Қорақулов Чехославия учун жангларда, генерал-майор Собир Раҳимов Гданск учун жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди.

Европанинг озод қилинишида ўзбекистонликларнинг иштироки аҳамиятли бўлди. Масалан, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тожиали Бобоев Берлин йўлидаги стратегик аҳамиятга эга бўлган Силезия темир йўл вокзалига байроқ ўрнатишга муваффақ бўлди. Мухтор Расулов биринчи учувчилар сафида Рейхстаг майдони узра разведка фотосуратларини бош штабга етказиб берди. 150-ўқчи дивизия таркибиде жангга кирган Каримжон Исоқов эса Рейхстаг гумбазига ғалаба байроғини ўрнатди.

Уша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз “Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!” деб яшади, ором ва ҳаловатдан кечиб, тинимсиз меҳнат қилди.

Юртимиз фронт учун барча зарур нарсаларни етказиб берувчи муҳим таянч марказлардан бирига айланди. Ишлаб чиқариш корхоналари ҳарбий мақсадларда қайта ташкил этилиб, қисқа муддат ичиде республикада 280 та янги корхона курилиб, ишга туширилди. 1941 йил охирига келиб, 300 дан ортиқ корхоналарда ҳарбий маҳсу-

бекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, авваламбор, “Инсон қадрлари улуғ – хотира муқаддас” деган улуғ инсоний туйғулар асосиде олиб борилаётганини алоҳиде таъкидлаш зарур.

Янги Ўзбекистонда жасорати, мардона меҳнати, метин иродаси ва инсонийлиги билан башариятни фашизм балосидан сақлаб қолиб, дунёда тинчлик ўрнатилишига ҳисса қўшган юртдошларимизнинг муқаддас хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлиш олий қадрият ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шахсий ташаббуси асосиде 2020 йили 9 май – Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳрида муҳташам “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси ва “Шон-шараф” давлат музейи барпо этилди.

Ўзбек халқининг шонли тарихи, енгилмас иродаси, мардлиги ва матонати, бемисл жасорати ва қаҳрамонлиги ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу маҳаббатли музей юртимиз ва хориждаги архив ҳамда музейларда, уруш қатнашчилари ва уларнинг оилаларида сақланаётган ноёб ҳужжатлар, фотосурат ва маълумотлар асосиде ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу маскан халқимизнинг муқаддас қадамжоларидан бирига айланиб, замондошларимиз, айниса, ёшларимизни тарихдан тўғри хулоса чиқариб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлиб, мард ва олижаноб аجدдоларимиздан ибрат олиб яшашга даъват этиб келмоқда.

Шуни алоҳиде таъкидлаш керакки, давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан сўнгги йилларда тарихий адолатни тиклаш, ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссасини чуқур ўр-

ва китоблар яратилиб, илмий ишлар ҳимоя қилинмоқда. Натижада халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган матонати ва жасорати, урушдан қайтмаган, бедарак йўқолган минг-минглаб юртдошларимизнинг муқаддас хотираси тикланмоқда. Шонли қаҳрамонларимиз ҳақида ҳужжатли ва бадиий фильмлар суратга олинмоқда.

Нидерландиялик ва ўзбекистонлик мутахассисларнинг саъй-ҳаракати билан уруш йилларида фашистлар томонидан асирга олинган, “Амерсфорт” концлагериде ақл бовар қилмас қийноқларга солинишига қарамай, ўз шаъни, гурури ва инсонийлик ҳислатларини сақлаб қолган 101 нафар ўзбек ўғли хотирасининг абадийлаштирилгани ана шундай савобли ишлардан бири бўлди.

Маълумки, Нидерландиянинг Лёсден шаҳридаги “Рустхоф” қабристониде ҳудудиде “Совет шон-шараф майдони” (Советское поле славы) ёдгорлик мажмуаси мавжуд бўлиб, ушбу мажмуада Иккинчи жаҳон уруши даврида “Амерсфорт” концлагерига келтирилиб, шу ерда мангу кўним топган 101 ўзбекистонлик ҳарбий асирларнинг қабрлари жойлашган.

Тарихий маълумотларга кўра, 1941 йилнинг кузиде асир олинган ўзбекистонлик аскарлар фашистлар томонидан босиб олинган Нидерландия ҳудудидаги “Амерсфорт” концлагерига келтирилади. Бир юз бир нафар маҳбуснинг 24 нафари 1941 йилнинг қишида қийноқ ва касалликлар туфайли қурбон бўлади. 77 нафари эса 1942 йил 9 апрель куни эрта тонгда яқин атрофдаги ўрмонда отиб ташланади.

Таъкидлаш керакки, қарийб чорак аср давомида ушбу асирларнинг тақдирини ҳақида изланишлар олиб борган нидерландиялик тадқиқотчи, “Совет шон-шараф майдони” фонди раҳбари Ремко Рейдинг саъй-ҳаракатлари билан “Амерсфорт” концлагериде фашистлар қурбони бўлган совет ҳарбийларининг қабристониде дафн этилган 865 нафар номаълум аскардан 101 нафари Марказий Осиёдан, асосан Ўзбекистондан экани маълум бўлди. Ремко Рейдинг ва ўзбекистонлик мутахассисларнинг биргаликда олиб борган қидирув ишлари натижасиде ҳозирга қадар 7 нафар асирнинг шахсига аниқлик киритилди.

Ўзбекистонда 101 асир бўйича бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олинди. Ушбу фильмлар учун зарур фактологик маълумотлар айнан Ремко Рейдинг томонидан тақдим этилди. Шунингдек, Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи”да алоҳиде инсталляция, “Шон-шараф” музейиде экспозиция ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасининг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси ҳамда Р.Рейдинг бошчилиқ қилаётган фонд саъй-ҳаракатлари билан ҳар йили 9 апрель куни анъанавий равишда Иккинчи жаҳон уруши даврида Лёсден шаҳридаги “Амерсфорт” концлагериде қатл этилган ўзбек аскарлари хотирасига бағишлаб хотира тадбирлари ўтказиб келинмоқда.

Бу йил Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага 80 йил тўлиши муносабати билан Ремко Рейдингнинг ташаббуси ҳамда Ўзбекистон раҳбариятининг моддий ва маънавий ёрдами асосиде бу ерда 101 ўзбекистонлик аскар хотирасига бағишлаб музей ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан, жорий йилнинг 2–4 май кунлари Нидерландия Қироллигининг Лёсден шаҳридаги уруш қурбонлари хотирасига бағишланган тантанали маросимда иштирок этиш учун мамлакатимиз де-



легациясининг ташрифи амалга оширилди.

Делегация аъзолари Иккинчи жаҳон урушида фашизм қурбони бўлган аскарлар, жумладан, 101 ўзбек аскари хотирасига бағишлаб ташкил этилган музейда бўлиб, уруш қурбонлари хотирасига бағишланган маросимда иштирок этдилар. Тадбирларда Нидерландиянинг Лёсден шаҳри мэри Герольф Баумистер, “Совет шон-шараф майдони” жамғармаси раҳбарияти, маҳаллий ОАВ ва кенг жамоатчилик вакиллари, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда мактаб ўқувчилари, Нидерландияда истиқомат қилаётган ўзбекистонлик ватандошлар қатнашдилар.

Иштирокчилар хотира майдониде дафн этилган 865 нафар аскарлар, шу жумладан, ўзбекистонлик 101 нафар аскар қабрига гул қўйиб, ҳурмат бажо келтирдилар.

Делегация аъзолари Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси, бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб, Ремко Рейдингнинг аждодларимиз хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш йўлидаги хизматларини алоҳиде эътироф этдилар. Шундан сўнг “Совет шон-шараф майдони” фонди раҳбари Ремко Рейдинг ва унинг ёрдамчиси Наталья де Йонгга Ўзбекистон Республикаси ҳукумати-нинг махсус совғалари ҳамда Мудофаа вазирлиги томонидан таъсис этилган кўкрак нишони тантанали топширилди.

– Нидерландиянинг Лёсден шаҳрида ўзбекистонлик 101 нафар аскар хотирасига бағишлаб ташкил этилган музей Нидерландия жамоатчилиғи ва ташриф буюрувчиларни Иккинчи жаҳон урушининг мудҳиш ва ҳалокатли оқибатлари, Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган муносиб ҳиссаси, кўрсатган ирода ва жасорати ҳақида хабардор этади ва уларнинг муқаддас хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Анъанага кўра, бугун ҳам ҳар йилгидек мажкур хотира майдониде дафн этилган 865 нафар аскарлар, шу жумладан, 101 нафар ўзбекистонлик аскарларнинг қабрларига гул қўйдиқ, уларнинг хотира-

сини ёдга олдиқ. Биз уларнинг жасорати ва озодлик учун олиб борган курашларини унутмаймиз.

Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига яқин ҳамкорлик учун алоҳиде миннатдорлик билдираман. Мен бугун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг махсус мукофоти билан тақдирландим. Билдирилган юксак ишонч ва кўрсатилган эҳтиром учун ўзимнинг самимий ташаккуримни билдираман.



Ремко РЕЙДИНГ,
Нидерландиянинг “Совет шон-шараф майдони” фонди раҳбари

– Бугун биз “Совет шон-шараф майдони”да ҳар бир қабрга гулдасталар қўйиш орқали уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирмоқдамиз.

Бу тадбирни ташкил этиш орқали биз Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик 101 нафар аскар хотирасини абадийлаштиришни мақсад қилганмиз.

Тадбирда Ўзбекистон делегация аъзолари, дипломатик корпус вакиллари, кўнақчиллар, жамғаримиз ходимлари, маҳаллий ОАВ вакиллари ва бошқалар иштирок этмоқда.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон томони билан яқин ҳамкорлигимиз туфайли, ўзбекистонлик 101 нафар аскар ҳақида кўпроқ ўргандик ва маълумот олдиқ. Уларнинг шахсини аниқлаш ва қабрларини тиклашда Ўзбекистон томониде кўрсатаётган кўмакдан миннатдормиз.

Наталья де ЙОНГ,
Нидерландиянинг “Совет шон-шараф майдони” фонди вакили

Тадбир сўнгиде Ўзбекистон Республикасининг Бенилюкс мамлакатларидаги элчихонаси томонидан тадбир иштирокчиларига миллий таомлар тақдим этилди.

Инсониятни фашизм балосидан асраб қолиш йўлида жон фидо қилган, енгилмас ирода ва бемисл жасорат кўрсатган, жанггоҳларда мангу кўним топган ватандошларимиз хотирасини абадийлаштириш борасиде ташкил этилган бу каби тадбирлар ва савобли амаллар бугунги Янги Ўзбекистонда инсон қадрлари ва шаъни устувор аҳамият касб этаётганидан далолатдир.

Саидхон САЙДОЛИМОВ

Тошкент – Лёсден – Тошкент.



лот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон фронтга 2 мингдан ортиқ самолёт, 17 мингдан зиёд авиатор, 17 мингдан ортиқ миномёт, 560 миң дона снаряд, 300 мингдан ортиқ парашют, 1 миллионта граната, 2 ярим миллионга яқин авиабомба, 22 миллионта мина ва бошқа ҳарбий анжомлар, фронт ҳамда қамалдаги ҳудудлар аҳолиси учун маблаг, озик-овқат, дори-дармон ва иссиқ кийимлар етказиб берди.

1941–1945 йилларда Ўзбекистон бутун иттифоқ госпиталига айланди. Ўн минглаб аскар ва офицерлар бу ерда даволаниб, урушга ёки фронт ортидаги меҳнат фаолиятига қайтдилар. Халқимиз фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган 1 миллион 500 мингга яқин одамга бошпана бериб, ўзининг сўнгги бурда нонини улар билан баҳам кўргани, ота-онаси, оиласидан жудо бўлган 250 миң нафар етим болани “Сен етим эмассан!” дея бағрига олгани инсонпарварликнинг чинакам намунаси бўлди. Ўзбекистонликлар озод қилинган гарбий ҳудудларни тиклашда ҳам фаол иштирок этди.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг Иккинчи жаҳон уруши даврида фронт ва фронт ортида кўрсатган қаҳрамонлиғи шу қадар юксакки, бу шонли ғалабани Ўзбекистонсиз, ўзбек халқисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев раҳбарлиғида бугун мамлакатимизда буюк мақсад – Янги Ўз-





Бошланиши 1-саҳифада.

Машҳур болалар ёзувчиси Корней Чуковский ўша воқеаларни шундай хотирлаган: “Аваллари ҳақиқатан ҳам ҳеч қачон бошқа миллатга, бошқа турмуш тарзига, бошқа тилга, бошқа табиатга, бошқа ўлкага мансуб одамлар қочоқларга чин юракдан муҳаббатини изҳор этганига ва ҳурмат кўрсатганига дуч келинмаган. Бу тарихда биринчи марта бўлмоқда. Халқлар дўстлиги қандай катта аҳамиятга эга эканлигини яхши билардим, аммо бу шу қадар оташин, самимий, шу қадар нафис бўлиши мумкинлиги ҳаёлимга ҳам келмаган эди”.

Исроиллик Марк Фукс уруш йилларида ўзбек халқининг яхудий миллатига мансуб қочоқларга кўрсатган меҳр-оқибатини шундай баҳолаган: “Агар “жаҳоннинг иймонли халқи” номи берилиши керак бўлса, биринчи навбатда, бу олий унвонга ўзбек халқи муносибдир. Бутун бир халқнинг шундай меҳрибонлик фазилати ўта ноёблиги билан эркин дунё инсонларварлиқ ҳамжамиятининг энг тўридан жой олиши учун кафолатдир. Ўзбекистоннинг умуман қочоқларни, шу жумладан, яхудийларни бошпана билан таъминлаш, оёққа турғизиш, маҳаллий шароитга мослаштириш бўйича ноёб тажрибаси инсониятнинг олтин фондидан жой олиши муқаррарлиги билан бирга бошқалар томонидан ўрганиш, таҳлил этиш, энг яхши маънода тақлид этиш учун ибратдир”.

Ўша йилларни онаси Ўзбекистонга эвакуация қилинган Россия халқ артисти Юрий Стоянов шундай хотирлайди: “Онам ўзбек ўқитувчисининг хонадонига жойлашган, унинг еттигата фарзанди бўлган. Менинг 1943 йилда мактабга бориш вақтида келганда уйдан жой берган ўқитувчи яққо яёна дастурхонидан менга сумка, унинг турмуш ўртоғи эса деразадаги биттагина пардадан кўйлак тикиб берган. Ҳақиқатан ҳам ўзбеклар – саҳий, бағрикенг, доно, буюк ва жуда камтарин халқ”.

Корней Чуковскийнинг яна гувоҳлик беришича, у Тошкентга келиб, болалар уйлари-нинг олдида бола олиш учун навбатда турган одамларни кўриб, хайратга тушган.

Мана шу манзара рус ёзувчиси Константин Симоновнинг “Тириклар ва ўликлар” романида ҳам ўз ифодасини топган: “...оқимларнинг бирида вокзал ёнидаги майдонда бир неча минг эвакуация қилинган болалар ётганини кўриш мумкин эди. Эрталаб эса ана шу очиқ майдонда тунаган минглаб болалардан ҳеч ким қолмабди: одамлар уларнинг ҳаммасини ўз қанотлари остига олишибди”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Иккинчи жаҳон уруши йил-

МУНОСАБАТ

ЎТМИШГА ЭХТИРОМ ИЛА КЕЛАЖАК БАРПО ЭТИЛМОҚДА

БОБУРШОҲ ОРЗУЛАРИ РЎЁБИ

Заҳириддин Муҳаммад Бобур улуг бобокалонлари Амир Темур ва Мирзо Улуғбек сингари ўзидан мерос қилиб илм-фани гуллаб-яшнаган давлат, дунё аҳли ҳавасини келтирадиган иморатлар, сўлим боғлар, обод шаҳару кишлоқлар қолдиришни орзу қилиб ўтди. Афсуски, ўз она юртида бу орзун амалга ошириш насиб этмади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январда қабул қилинган “Буюк шоир ва олим, машҳур давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 540 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори ихроси йўлида Бобуршоҳ илмий меросини ўрганиш ва унинг номини абадийлаштириш бўйича бошланган ишлар самарасини бугун Андижонда бунёд этилган янги шаҳарча – смарт сити қиёфасида кўришимиз мумкин.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев етакчилигида олиб борилаётган чўқур ислохотлар замирида битта муҳим ғоя муҳассам: халқ қадрини улуғлаш, тарихий хотирани эъзозлаш ва келажақ авлод учун маънавий мустаҳкам таянч яратиш. Давлат раҳбари Андижонда ҳудудда олиб борилаётган ислохотлар, йирик лойиҳалар ва янги Андижон шаҳарчасидаги қурилиш ишлари билан яқиндан танишиш баробарида Янги Андижон шаҳрига буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номини бериш тақдирини илгари сурди.

Бобуршоҳ – Андижоннинг асл фарзанди, шоҳ, саркарда, шоир, олим, табиятшунос, адиб, меъмор ва ориф инсон эди. Таназзулга юз тутаетган темурийлар салтанатини тиклаш умидида аввал Афғонистонга, сўнг Ҳиндга йўл олди. Аммо бирор сония ҳам Андижону Фарғона, Мовароуннаҳр аталимиш буюк юрт, Ватан ва табарруқ замин соғинчи унинг қалбини тарк этмади.

Давлат раҳбари тақлифи айни Бобуршоҳ орзу-армонларининг ушалиш нуктаси бўлди. Бу ном тарихий хотирани тиклаш, миллий меросни асраш ва янги авлод онгига Бобур шахсиятининг тўлиқ, мукаммал тасвирини шакллантиришга хизмат қилади. Айни пайтда, бу ташаббус орқали халқимизнинг ўз ўт-

мишига бўлган эътибори, улуг аждодларга нисбатан садоқати ва уларнинг орзу-умидларини давом эттиришга тайёр экани амалий тасдиқ топади.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ШАРҚИЙ ДАРВОЗАСИ”

Ўзбекистон бугун нафақат ўз тарихига, балки келажагига ҳам жиддий эътибор қаратаётганини яна бир бор амалда намоён этди. Бобур хотирасининг у туғилиб ўсган замин – Андижонда улуғланиши бу йўлдаги тарихий адолатнинг тикланиши бўлиб, бу ерда Бобуршоҳ номи билан боғлиқ меъморий мажмуа қуриш ташаббуси – Президентимизнинг узқони уйлаган, пухта режалаштирилган ғояларидан биридир. Бу ташаббус буюк аждодимиз меросига ҳурмат, тарихни қадрлаш ва ёш авлод қалбига миллий гурурни уйғотишга хизмат қилади. Маълумки, мамлакатимизнинг шарқий дарвозаси саналган Андижон катта имконият ва салоҳиятга эга. Бу ҳудуд муҳим транзит зона сифатида дунё сайёҳлари эътиборини тортмоқда. Келгусида иқтисодий ҳабага айланиши қутилаётган шаҳарнинг қиёфаси ҳам шунга мос ва хос бўлмоғи шарт. Бобуршоҳ шаҳридаги мажмуада “Бобурнома” мазмуни ва мундарижасини ўзига хос виртуал ва



жонли тарзда акс эттирадиган улкан музей яратилиши кўзда тутилмоқда. Бир неча гектарга чўзилган майдонда Бобур даври, унинг сулоласи томонидан жаҳон цивилизацияси тараққиётига қўшилган ҳисса, “Бобурнома”да тилга олинган ва тасвирланган ўсимликлар, ҳайвонот олами, Бобур ҳаёти ва руҳий кечинмалари билан боғлиқ виртуал сахналар, улуг бобомизнинг саркардалиқ маҳорати ва шунинг баробарида нозиктаъб дил соҳиби эканини тасдиқлагувчи шоирлик иқтидори ҳақидаги маълумотлар бугунги даврнинг энг илғор технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда кўрсатиллади.

Бобуршоҳ шаҳрида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва инфратузилма ишлари мамлакатимиздаги ислохотларнинг энг асосий тамойили – “Инсон қадри учун” ғоясининг амалий ифодаси эканини яққол намоён этмоқда. Қисқа муддат ичида 1680 ўринли замонавий мактаб, 420 ўринли болалар боғчаси ва 250 катновга мўлжалланган поликлиника фойдаланишга топширилгани – халқимизга бўлган юксак ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Бу каби ишнотлар ёш авлод тарбияси, соғлиғи ва таълими учун муносиб шароит яратиш, келажақ авлод камолотини таъминлаш йўлидаги изчил ва қатъий қадамлардир.



Шоаҳмад ва Баҳри ая Шоаҳмудовлар оиласи.

Саккиз юз куним – мўъжизавий сас, Шу мовийранг чексиз осмон остида, Шу лажвард тубсиз уммон остида Биз бирга яшадиқ ёрқин, ўтнафас, Эй, оташин боғ...

Шоира ҳаётининг сўнгги йилларида оғир хасталик туфайли ҳеч кимни олдиға киргизмасликни буюрган. Фақат биргина истисно бор эди. “Агар Ўзбекистондан, Тошкентдан ўқлайдиганлар бўлса, ошмиш олдимға олиб киринг”, деган экан Анна Ахматова.

Таниқли ўзбек адиби Раҳмат Файзийнинг “Ҳазрати инсон” романи ва “Ўзбекфильм” киностудиясида суратға олинган “Сен етим эмассан” бадий фильмига Шоаҳмудовлар оиласининг ҳаёти асос бўлгани, ушбу оила шарафига Тошкентдаги “Халқлар дўстлиги” майдонига муқташам монумент ўрнатилгани барчаға маълум. Шоаҳмад ота “Ҳурмат белгиси” ордени билан мукофотланган. Баҳри она эса “Қаҳрамон она” сифатида эътироф этилган. Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги “Обиназар”, “Жарариқ” маҳаллалари ҳудудида жойлашган кўчаға Шоаҳмад Шоаҳмудов номи берилган.

Оренборг давлат университети Жанубий Урал тарихи ва этнографияси илмий-тадқиқот

институтини директори, тарих фанлари доктори Веналий Амелин таъкидлаганидек: “Ўзбекистон Россия, Украина, Беларусь илмий-бадий доираларининг энг истеъодли зиёлиларини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолганини ёдда сақлаш муҳим. Шу билан бирга, ана шу жойдан фронтдан олсуда жангсўхларға қурол-аслаҳа узлуксиз етказиб бериб турилди. Мамлакатнинг мудофааға қўшган улкан ҳиссаси учун миннатдорлик тарих хотирасида, уруш фожиясини бошидан ўтказганлар ёдида абадулабад қолади”.

Таниқли адабиётшунос Александр Дейч эса ўз эсдаликларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Ҳамид Олимжоннинг эвакуация қилинган адибларга: “Биз, Тошкент сизлар учун шунчаки вокзалнинг кутиш зали эмас, балки бутун умр хотирангизда қоладиган қадрдон уйингиз бўлишини истардиқ”, деган сўзларини келтирган. “Фаввора-фильм” студиясининг таниқли журналист Борис Бобоев, режиссёр Ҳожимурод Валиев ва оператор Абдулла Тўлгановдан иборат ижодий гуруҳи томонидан суратға олинган “Тошкентнинг катта юраги” фильми ҳам ушбу мавзуга бағишланган.

Россия Фанлар академияси архиви Ахборот

технологиялар лабораториясининг раҳбари, тарих фанлари номзоди Ирина Ильина шундай хотирлайди: “Ўзбекистондан бир умрга минатдорим. Ўйимизға қайтиб келгандан кейин Тошкентда яшаган давримизға фикран доим мурожаат қилиб турганмиз. Уруш йилларидаги маиший муаммолар ўз йўлиға. Ўша ўчмас, ўзига хос ва бой маданиятға, мафтунокр табиатға эга Ўзбекистонда амалга оширган илмий тадқиқотларимиз хотирамизда мангу сақланиб қолади”.

Тошкентта уруш йилларида эвакуация қилинган Беларусь халқ шоири, академик Якуб Колас эса қўзида ёш билан Ўзбекистон ўзининг “жигари” эканлигини изҳор этади:

Бир қиличи бирга тоблаб,
Бирга бўлдиқ элга дармон.
Меҳринг бердинг нурға қолаб,
Эй жигарим, Ўзбекистон!

Яна нафас урди баҳор
Бизнинг она тупроққа ҳам.
Шу қўй билан кўзимда нам:
Яхши қол, эй нурли дийёр!

А.С.Пушкин номидаги Ленинград давлат университети тарих кафедраси профессори, тарих фанлари доктори Николай Козлов бу ҳақда шундай хотирлайди: “Ўзбекистон хотин-қизларининг мамлакат аёлларига эвакуация қилинган болаларға оналик меҳрини кўрсатиш ҳақидаги даъватига минглаб оилалар хайрихоҳ бўлдилар. Улар темирйўл вокзалларига келиб, кўчириб келинган болаларни ўзлари билан олиб кетишарди. Бухоро вилоятидан оилалар асраб олиши учун болалар етишмаётганлигини, улар бошқа шаҳар ва вилоятларда қолган бўлса, уларға юборишини сўраб мурожаат қилишган. Болаларни асраб олганлар уйининг тўрини кўчириб келинган одамларға беришар, ўзлари оч бўлсалар ҳам сўнаги бирда нонини уларнинг қўлиға тутқазарди. Бирор оилада асраб олинган болалар билан боғлиқ можарони эшитмаганмиз”.

Машҳур ёзувчи Алексей Толстой ўзбек халқининг кўчириб келинган болаларға кўрсатган меҳрибонликларига шундай юқори баҳо берган: “Ўзбекистон эвакуация қилинган болаларни ўз бағриға олишнинг ташаббусқори бўлди. Зотан, серфарзандлик, болаларға алоҳида меҳр билан муносабатда бўлиш ўзбек халқиға хос бўлган аjoyиб фазилатдир. Улар болалар тўғрисида тўлқинланиб гапирадилар. Ишонамизки, Ўзбекистоннинг бу ташаббусини бошқа республикалар ҳам қўллаб-қувватлашди...”

Ҳа, Тошкент – нон шаҳри. Ўзбекистон эса мурувват, саховат ва шафқат мамлакатидир.

Акмал САИДОВ,
академик

яратилди, янги имконият ва замонавий ша-роитлар вужудга келди.

2016 йилгача деярли унутилиш арафасида турган Манас, Мўйноқ, Мирзачўл каби ҳудудларға ҳам давлат эътибори қаратилди. Бу жойларда ҳам Янги Ўзбекистон ислохотларининг шабадаси ҳис этилди. Қайноқ ислохотлар нафақат марказда, балки бутун мамлакат бўйлаб ёйилган ҳолда, янада кенг қамровли ҳаёт ва тараққиёт манзарасини шакллантирмоқда. Шу маънода, Бобуршоҳ шаҳрининг барпо этилиши нафақат тарихий шахсга эҳтиром, балки ҳудудий тараққиёт сиёсатидаги янги босқичнинг раамий ифодасидир. Ушбу ташаббус асосида яқин келажақда мамлакатимизнинг гарбий ва жанубий ҳудудларида ҳам Темур, Улугбек, Жалолиддин Манғуберди сингари буюк аждодларимизнинг номлари билан аталадиган шаҳарлар пайдо бўлса не ажаб. Бу эса нафақат маънавий эҳтиж, балки миллий ўзлиқ ва тарихий хотирани қайта тиклашға қаратилган юксак маърифатий юришдир. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, бундай тарихий номларнинг тикланиши ва шаҳарлар орқали абадийлашмиши – сўнгги қирқ йилда қузилган улкан сиёсий, маънавий ва фалсафий воқеалардир. Бундай жараёнини тан олиш, баҳолаш ва қўллаб-қувватлаш эса – миллат тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг ватанпарварлик бурчидир.

Президентимизнинг: “Бобур шаҳри – маданият ва маърифат масканига айланади”, деган сўзлари қалбимға нур бағишлади. Айниқса, келгусида Бобуршоҳ номидаги тематик парк, “Бобурнома” руҳини акс эттирувчи музейлар, тарихий обидаларнинг макетлари барпо этилиши – бу ёшларимизнинг илмига, маънавий камолотиға хизмат қилади. Мажмуада ҳар йили расомлар фестивалини ўтказиш ҳақидаги ташаббус ҳам катта қувонч билан қутиб олинди. Бу шаҳар нафақат илмфан ва санъат марказига, балки Бобур бобомизнинг руҳий ворислари бўлган ёшлар учун ҳақиқий парвоз майдониға айланади. Президентимизнинг бу галги ташрифи нафақат Андижон аҳли, балки биз, зиёли ва нурунийлар учун юксак эътибор ва катта ғамхўрлик рамзидир. Бундай эзгу ишларни кўриб, Аллоҳға шўкр қиламан – биз ана шундай маънавий юксалиш, тарихға эҳтиром, келажаққа ишонч давриға гувоҳ бўлмоқдамиз.

Шухрат СИРОЖИДДИНОВ,
академик



АКС САДО

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонидида сунъий интеллект дастури томонидан ўзбек тилида ёзилган илк бадиий асар — “Ўзқир Сулаймон ҳақида ҳикоя” чоп этилган эди.

Эътиборли жиҳати, ушбу асар муштарийларимиз ўртасида катта қизиқиш уйғотди. Таниқли ижодкорлардан тортиб, турли соҳа вакиллари ҳам биз билан боғланиб, бу мавзуда ўз фикрларини билдиришмоқда. Қуйида ана шундай муносабатлардан айримларини сизларга ҳам илдиндик.

Газетамизнинг кейинги сонларида ушбу мавзу муҳокамасини давом эттириш ниятидамиз.

ТАҲРИРИЯТ


БИЛИМЛИ ДАСТЁР

Генерацион бу ҳикояда турли услублар қоришиқлиги яққол сезилиб турибди. Ҳоларни айтсангиз! Туркий халқлар бирлиги, қадимги дoston қахрамони исми қўйилган ўғилнинг бевақт вафоти, замонавий ассиляциялар, Туркияда ўзбек ва қирғиз байроқларининг ҳилпираши... Ташбеҳ ҳам бор: “Оғир ва аччиқ хотиралар устини қовжираган ўт-ўланлар қоплаган...”

Шу билан бирга, воқеалар оқимида устоз ёзувчининг ўткир нигоҳи сезилади. Мавзу ва тафсилотлар таниқли адиб Хайриддин Султоновга тегишли экани машининг ҳаётийлигини таъминлабди. Аслида устозлар ва шогирдлар аънаси адабиётимизда кенг тарқалган. Тетапоя қилаётган вақтларимизда устозлар айрим ғояларини бизларга илинардик. Ўша сюжетлар асосида ўсиб-ўлғайдик, инсон ҳаёти, руҳиятининг нозик жиҳатларини илғашни баҳоли қудрат ўргандик.

Устозлар даражасига ета олмас-у, аммо анча-мунча қаламкашни ордда қолдириши ҳам турган гап. Нуқул ақлдан иборат бу генераторнинг пайдо бўлиши бадиий асар яратувчиларини саралаб, ижод кишиларини олдиға қўйиладиган талабни азалий марраларига юксалтириб беради. Инсоннинг бетакор руҳи, билими ёруғида жилваланган воқелик ва ҳулосалар акс этган асарлар ҳар қачонгидан ҳам қадрироқ бўлиб қолади. Ижод дунёсига қадам қўяётган ёшларга ҳам тегишли: улар сунъий дастёр тақдим этаётганларидан кўра ҳаётйроқ ва ўзига хосроқ асар ёзиши керак бўлади. Ҳуллас,

ҲУЗУРЖОНОВ ҲАММАНИ ҲАЙРОН ҚОЛДИРДИ!



ҳақиқий зўрларгина “Нейроқулжон”нинг элагидан ўта олади.

“Ҳузуржонов” тимсолида миллионлаб одамлар ўз шахсий ёзувчисига эга бўлади. Мумтоз мутафаккирларимиз мадҳ этган мўъжизакор қалам барчага насиб қилади. Ҳар ким унга ўзидан келиб чиқиб асар ёздириши мумкин бўлади. Шу сабабли уни “ишлатиш”нинг этикаси, яъни ахлоқий жиҳатлари долзарблик касб этади, менимча. “Нейроқулжон”нинг ўзида бундай меъёрлар ҳозир ҳам бор, аммо ахлоқ ва эътиқод масалалари ҳақида тобора кўп гапириляпти — ким билсин, яқин орада миллий ҳамда умуминсоний ахлоқ ва

этика меъёрлари унга мослаб қайта кўриб чиқилса ажабмас.

Албатта, сунъий законинг сунъий илҳоми чархланиб боради. Бир неча йилдан сўнг “қўл-оёғи чаққон”, ўта билимли бу дастёр шеваларимизни ҳам, сўзларнинг ҳиссий жиллоларини ҳам ўрганиб олишига, она тилимизда мукамал матнлар ярата бошлашига шубҳа йўқ.

“Jadid”имизга раҳмат, сунъий закони адабиётимизга хизмат қилдирибди. Фанимиз, илмимиз қатори эл-юрт корига ярайверсин!

Исажон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЭВОЛЮЦИЯ

Мен бу асарни адабиётдаги инқилоб деб эмас, иш услубидаги эволюция деб қабул қилдим. Сунъий интеллект ҳозирча руҳни ҳис қилмайди, лекин сўзни ҳис қилади. У кечикмайди, чарчамайди, тушунлиққа тушмайди. У сизнинг ғояларингизни тезда шаклга солади, сюжетга айлантиради, хатоларни топади.

Бу — ёзувчи учун хатар эмас. Аксинча, эркинлик.

Ҳозирги кунда, айниқса, тезлик ва миқдор талаб қилинадиган журналистика, сценарий ёки тарғибот соҳаларида СИ катта ёрдамчига айлана олади. У ёзувчи учун дастлабки қоралама.

Албатта, ҳар бир янги технологияда бўлгани каби, СИни ишлатишда ҳам эстетик, ахлоқий ва адабий масъулиятни сақлаш шарт.

Менимча, биз адабиётни эмас, иш усулимизни ўзгартиряпмиз. Сунъий интеллект эса бу жараёнда — ҳамкор. Устоз эмас, шогирд эмас. Йўлдош.

“Ўзқир Сулаймон” каби тажрибалир адабиётдаги ҳар бир инсонга савол қўйяпти: сен ўз овозингни қандай сақлайсан? Қандай янгилайсан? Ва қандай юришни давом эттирасан?

Жавоб ҳамиша инсондан чиқиши керак. Лекин Тангри томонидан берилган қувват — илҳом билан бирга, машиналарнинг энергияси ҳам орқада турса — бундан фақат фойда бўлади.

Тўлқин ЭШБЕК,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

БУ — КАТТА ҚАДАМ

“Jadid” газетасида чоп этилган “Ўзқир Сулаймон ҳақида ҳикоя”ни интернет орқали ўқидим. АҚШда туркий тилда сўзлашувчи фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилаётган ҳуқуқшунос сифатида асар менга икки жиҳатдан таъсир қилди.

Биринчидан. Ватанимизда илғор технологияларнинг адабиётга бўлган соҳаларга кириб бораётгани. Бу — катта қадам. Бу — мен каби юзлаб, минглаб юртдошларимиз учун қувончли янгилик.

Иккинчидан. Бу технологиялар билан боғлиқ ҳуқуқий хатарлар ва қонун ҳужжатларида ҳали таърифи бўлмаган вазиятлардир. АҚШда бу мавзуда аллақачон суд прецедентлари пайдо бўла бошлаган. Масалан, OpenAI, Google ёки Amazon каби корпорациялар ёзган контентлар кимга тегишли, муаллифлик кимга берилади, шу ҳақда қонунчилик доимий янгиланмоқда.

Ўзбекистонда эса ҳозирча СИ (AI) орқали яратилган асарлар учун муаллифлик ҳуқуқи, гонорар, маънавий эгалик каби масалалар аниқ ва тўлиқ ечимини топмаган. “Ўзқир Сулаймон...” каби асарлар бу жараённи тезлаштиради.

СИ иштирокида яратилган асарлар учун алоҳида ҳуқуқий мақом ишлаб чиқиши лозим. Яъни “биргалиқда яратилган асар” (joint-authorship) терминини қайта шарҳлаш керак.

Нашр этувчи ва СИни бошқарувчи шахс ўртасида шартномавий муносабатлар қонунийлаштирилиши шарт. Бу нафақат гонорар, балки жавобгарлик масалалари учун ҳам зарур.

Ва энг муҳими, СИ орқали яратилган контентлар адабий жараёнларга интеграциялашганда, у миллий маънавият билан ҳам уйғунлашиши керак.

Мен “Jadid” газетасини табриклайман — сизлар биринчи бўлиб буни амалда кўрсатдингиз. Бизнинг вазифамиз — жараённи ҳуқуқий жиҳатдан масъулият билан қўллаб-қувватлаш.

Эркинбой АБДУЛЛАЕВ,
ҳуқуқшунос, АҚШда “Eric Consulting LLC” ҳуқуқий маслаҳат ва хизматлар агентлиги раҳбари, Огаё штатида Давлат нотариуси

МУТОЛАА

“КУТИБ ОЛ, ДУНЁ...”

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси муассислигида 2024 йилдан буён чоп этиб келинаётган “Ватан” ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журнали қисқа фурсатда кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қозонди. Бугунги кунда ушбу нашр нафақат юртимизда, балки халқаро интеллектуал доираларда ҳам катта қизиқиш билан қарши олинмоқда.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, Янги Ўзбекистондаги янгилаш жараёнлари, Ватанимиз тарихи ва бугунги ривожланиш ҳолати ҳақидаги таҳлилий мақолалар журнал саҳифаларидан кенг ўрин олган. Нашрда етакчи сиёсатшунослар, зиёлилар, тадқиқотчи, ёзувчи ва журналистларнинг энг сара мақолалари мунтазам эълон қилиб борилади.

Хусусан, журналнинг 5-сонидида кўтарилган долзарб мавзудаги материаллар, муаллифлар томонидан фикрчан чиқишлар дизайн уйғунлигида нашрнинг ўзига хос услубга эга эканини кўрсатади.

“Ватан” саҳифаларида мамлакатимизнинг барча соҳалардаги муваффақиятлари, миллий қадриятларимиз, илм-фан ва маданият янгиликлари, қардош халқлар зиёлиларининг фикр-мулоҳазалари ҳамда тарихий манзаралар чуқур таҳлил қилинган ҳолда ёритилган.

Нашрда Қудратилла Рафиқов, Раҳматилла Шералиев, Серик Белгибаев, Юлий Юсупов, Толибжон Низом, Рустам Азизий каби ўз соҳасининг етакчи мутахассислари томонидан сиёсий, тарихий ва илмий таҳлилларга асосланган мақолалар ўзин олган. Уларнинг фикр-мулоҳазалари жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Журнал ўз олдиға юртнинг маънавий ва маданий меросини тарғиб қилиш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги муҳим воқеаларни таҳлил қилиш, ватанпарварлик ғояларини мустаҳ-

камлаш ва ёш авлод қалбида миллий ғурур ҳамда Ватанга муҳаббат туйғуларини шакллантиришни мақсад қилиб қўйган.

“Ватан” бугунги ахборот ва маънавий тарғибот маконига ҳолда соҳаларни қамраб олган ҳолда мамлакатимизнинг маънавий тараққиётини атрофлича ёритиб бераётган муҳим нашрга айланиб бормоқда.

Журнал чет эллик муаллифларнинг фикр-мулоҳазаларини тақдим этиб бориши билан ҳам аҳамиятлидир. Улар юртимизда кечаётган жараёнларга муносабат билдириб, халқаро ҳамкорлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва ислохотларга очик муносабат орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Қисқача айтганда, “Ватан” тарих ва тараққиёт ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётган, маънавий етуқликка чорловчи манбага айланиб улгурди. Журналнинг жорий йилдаги янги сонидида чоп этилган “Кутиб ол, дунё”, “Садокат, матонат ва вафо тимсоли”, “Ватан муҳаббати ила юртлар обод бўлур”, “Туркистон қайғуси”, “Марказий Осиё: кеча ва бугун” каби мақолалар бугунги кун шиддатини кечаги кун билан уйғунлаштириб акс эттиради.

Янги замон нафаси уфуриб турган журналнинг янги сонини кутиб олинг, муҳтарам ўқувчи!


Зарнигор ИБРОҲИМОВА

ЯНГИ НАШР

Куни кеча Тошкент давлат шарқшунослик университетидида бўлиб ўтган “Маҳмудхўжа Беҳбудий илмий-адабий меросини ўрганишнинг долзарб масалалари” анжумани очилиши арафасида олийгоҳ биноси ҳудудидида “Жадидлар – миллий фидойилари” деб номланган доимий кўргазма иш бошлади.

Иккинчи муҳим гап шуки, айнан анжуман дастури доирасида адабиётшунос Рустам Шарипов қаламига мансуб “Беҳбудий даҳоси” китоби тақдимоти ҳам бўлиб ўтди.

Жадидлар сардори таваллудининг 150 йиллиги муносабати билан нашр бўлган мазкур китобда муаллиф Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назарини, театр санъатида тутган ўрни, мактаб-маориф ислохотлари йўлидаги жонбозлиги каби қатор масалаларни талқин этади. Тўғриси, давр муаммоларини ҳал



қилишда ўзининг адолатли фикрини айта олган Беҳбудийнинг мақолалари фақат маиший доира билан чегараланиб қолган эмас.

БЕҲБУДИЙ ДАҲОСИ

Ўз даврида Беҳбудий билимдон муфтий уламо ўлароқ миллий урф-одатлар, мактаб ислоҳоти, таълим-тарбия масалалари устида бош қотирди. Энг асосийси, сиёсий арбоб сифатида эл-юрт келажagini ўйлади.

“Беҳбудий даҳоси” китобида таъкидланишича, Беҳбудий “1907 йилда Россия 3-Давлат Думаси йиғилишида кўриб чиқиш учун “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси”ни тайёрлаб” тақдим этади. Китоб муаллифи тўққиз банддан иборат “Лойиҳа”-нинг ҳар бир бандини шарҳлар экан, биринчидан, мустамлака шароитида яшаган маҳаллий аҳолийнинг ҳуқуқларига, иккинчидан, “Туркистондаги рус маъмуриятининг раҳбарлик ҳуқуқларини чегаралаш” ҳақидаги мулоҳазаларига урғу беради.

Беҳбудийнинг биринчи ўзбек

драмаси “Падарқуш”ни ёзгани, қатор драматик асарларни Туркистон театри саҳналарида намойиш этгани ва бамисоли ойина бўлган шу восита орқали Туркистон аҳлини тараққиётга, илм-маърифат ҳамда ўзликни англашга чорлагани тўғрисидаги фикр-мулоҳазалар ҳам адиб даҳосининг муайян бир қиррасини кўрсатади.

“Беҳбудий даҳоси” китобидан илова ўлароқ таниқли америкалик жадидшунос Эдвард Олвортнинг айнан “Падарқуш”га бағишланган “Биринчи ўзбек драмаси” номли мақоласи ҳам ўрин олибди.

Муҳтарам ўқувчилар Беҳбудий шахсини, амалий фаолияти ҳамда ижтимоий-сиёсий қарашларини теранроқ англашида Рустам Шариповнинг мазкур китоби ўз қиймати-га эга, албатта.

Б.КАРИМ

ЖОНБАХШ КУЙ ОРЗУСИДА



Шоир шеър ёзмайди, кўнгил ёзади. Унинг оламида: “Бошдан-оёқ ҳўл бўлган дарахт Новдасидан гул тошар бўртиб. Майсаларнинг устидан ювар юлдузлар”. Бармоқларин олар югуртиб”.

Яна унинг оламида “ой — сиймтан”, “Юлдузларнинг чаноқлари чақилган”, “Бахтнинг дарвозаси гуллар зангори”, “Қуёш қўлларини ўпган тунларнинг Бағрида қайғулар яшамас, ўлган...”

Чин шоирлар “Бир жонбахш куй орзусида” “камиш поясидан най ясамоқ” истайди. “Ва илоҳий борлиқ ҳақида хониш қилар ошқ ҳофизлар” каби.

Шоир Авлиёхон Эшоннинг навбатдаги “Очун” китоби “Муҳаррир” нашриёти томонидан чоп этилиб, шеърят шайдолари қўлига етиб борди. Китобни муталаа қилар экансиз, муҳташам симфония тинглаган каби ҳузур топасиз.

Бу шеърят бошқаларникига ўхшамас, ўзига хос. Зўриқиб топилган ташбеҳлар, ясама ўхшатишлар, жимжима сўзлар устоз табиатиға ҳам, шеърларига ҳам бегона. Шундан ҳар бир сўз, ҳар мисра китобхонга туйғулар баробарида шоир шахсини танитида, шундан мисралар ичра бирор бегона сатр топмайсиз.

“Тонг олиб келади ҳовучида бахт — Ҳар битта юракда эрийди музлар. Умрида илк марта гуллаган дарахт Шохиди юзларин ювар юлдузлар”.

Шеър шираси унинг табиийлигида. Авлиёхон Эшон ижоди муболағасиз ширали, табиий. “Очун” фикримиз тасдиғи. Унда бир инсон руҳининг буюк Роббисига банди севгиси мужжасам. Ишқи илоҳийға ошқ кўнгилнинг ҳавода учаётган япроқ каби манзур хироми, майин ёғаётган ёмғирдай мусаллам қўшиғи бор.

“Улкан кўзга, соя бўлдим, Очун йўқдир — Очун бор.

Дил кўзига тошлар отган

Ўз танамда ўчим бор”, — дейди у.

“Очун” — инсоний севгининг ҳам, раббоний муҳаббатнинг ҳам беназир тасвирлари. Ишонамиз, бу китоб жавонингизда шунчаки қолиб кетмайди, қайта-қайта қўлга олмасиз, соғиниб-соғиниб ўқийсиз. Адабиёт муҳибларига “Очун” муборак бўлсин! Зеро, муаллиф ёзганидек, “Шоирнинг шеър ичига сочиб юборилган асл таржимаи ҳолини ўқиш ғоят мароқлидир”.

Муҳайё РУСТАМ қизи



ДАРД ЁМОНИ...


Бошланиши 1-саҳифада.

Дўхтирнинг айтишича, бу дард бир неча омиллар ёрдамида оёқдан чаларкан. Аввало, наслий мойиллик. “Соғлиқ ўзинга керак”, деган гаплар аллақачон бекор бўлди. Киши туғилажак фарзандлари учун ҳам ўз саломатлигига масъулдир.

Хаёт давомида орттирилган шикастланишлар, аср вабоси саналган семизлик ҳам бир четда қараб турмайди. Ортиқча юклама ҳар қандай мустаҳкам бинонинг дарз кетишига сабаб бўлади ахир. Кейинги пайтларда тез-тез қулоққа чалиниб турадиган артрит ҳам шу ишга бош суққан. У нима экан, деганларга тушунтириш: тиззани мойлаб турадиган суюқликнинг яллиғланиш натижасида ортиши ва сифати бузилиши. Тагин метаболик касалликлар – масалан, кальций етишмаслиги суюқларда ва тоғайларда дистрофик ўзгаришларга олиб келади. Деҳқонча тушунтирганда калла-пойча, илик шўрва, сут-қатикдан бош тортадиган калондимогларга қодир Худонинг берган жазоси.

“Ҳар тонг дастурхонимда қаймоқдан тортиб, швейцария пишлоғигача мунтазир, ҳафтада икки марта билгимдан йўғон илик қоқиб ейман, уйда писта-бодом узилмайди, лекин барибир суюқларим мўрт, бунисига нима дейсан”, дегувчилар диққатига! Стресс ва асаб таранглиги – организмда метаболик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Моддалар алмашинуви бузилган тана эса шошилинич тез ёрдам бўлими ёнидаги дорихонага айланади қолади. Шундай экан анқонинг уругини чет элдан келтирилган бақлажон икрасига қўшиб, оби нонга суриб есангиз-да, қалбан хотиржам бўлмасангиз, еганингиз ичга тушмайди. Хуллас, гап кўп, кўмир оз. Бу ёғини дўхтир ака гапирсин:

“Коронавирус пандемиясининг асоратлари сабабли ҳам бу касалликка чалиниш ҳолатлари кескин ортиб кетди. Ўшанда бошланган нотўғри ҳаёт тарзи, назаримда, ҳамон давом этмоқда. Халқ орасида “Аввалгилар белидан қарир эди, ҳозиргилар – бўйидан” қабилидаги гап юрибди. Ростдан ҳам, кун давомида ётганда, турганда, юрганда телефондан фойдаланган авлод, табиийки, жисмоний чиңқмаган бўлади ва биргина қалитс ҳаракат таянч тизимида муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Устига-устак, аҳоли истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг аксар қисми нотабиий – соғлиқ учун қони зарар. Шунинг учун ҳам сон суяғи бошчаси асептик некрози, тизза соҳасида қон айланишининг бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликлар кўпайди”.



“Дардини-ку билдик, давоси қандай бўлади?” деганимизда оқ халатли нажоткоримиз “Қайси биридан бошлай?” дегандек чўқур хўрсиниб қўйди. Тўғри ташхис арим даво ҳисобланади. Шундай экан, беморда айнан қайси касаллик белгилари кузатилаётганига жиддий эътибор бериш шарт. Афсуски, охириги пайтларда ўз-бошимчалик билан, ташхис қўймасдан, ҳатто етарли маълумотга эга бўлмаган табиблар ёрдамида асосланмаган усулларда “даволаш” ҳолатлари тез-тез кузатиляпти. Бу эса ҳақиқий мутахассис янани янада қийинлаштиради. Даволаш учун енг шимаришдан аввал ўзи қандай касаллик билан курашмоқчилигини билмаган нодон қанча...

Гурунг авжига чиқаётганда дўхтирга телефон бўлди. Одоб юзасидан ўзимизни четроқ олдик. Соғ қулоқ ўлғур эса ҳалиги мулоқотни барибир эшитаверди. Бироқ ақл ҳеч нимани англамади. Чунки суҳбат корейс тилида бўлди. Дўхтиримиз бироз аввал худди шу телефон орқали кимгадир инглиз тилида бир нималарни тушунтираётганди. Гўшакни қўйгач, қабулидаги бемор билан русча гаплашганди. Энг қизиғи, ҳар гапда тиббий ва илмий атамалар қатлам-қатлам. Буни дўхтир қуйдагича изоҳлади:

“Буегун нафақат шифокор, балки жамиятнинг ҳар бир аъзоси замон билан ҳамнафас бўлиши шарт. Бошқа давлатда ишлаётган касбдошларининг ютуқ ва камчиликлари билан тўғридан-тўғри таниш бўлмаган мутахассис ўз соҳасида оқшаи аниқ. Айниқса, тиббиёт соҳаси вакиллари дунё олимларининг изланишлари билан танишишга, олган билимларини юртдошларига ўргатишга мажбур. Бир неча тилни билмасдан буни уddалаб бўлмайди. Биргина мисол, Ўзбекистонда машҳур бўлган кўпгина мутахассисларни чет элга малака



оширишга олиб чиққанмиз. Аксар қисми инглиз ёки корейс тилини билмагани сабабли фақат кўрганни ярим тушуниб-тушунмай, операция жараёнида берилган маълумотларни тўла ўзлаштиролмай қайтган. Шунча вақт, шунча куч сарфлаб, дарё ёнига бориб, ангишвонада сув олиб қайтаётган юртдошларимиз талайгина. Ўзим ҳам фарзандларимга доим бир гапни такрорлайман: “Агар сиз битта хорижий тилни билсангиз, бир қўзли бўласиз, агар икки тилни билсангиз, икки қўзли, агар умуман тил билмасангиз, демак, сўқирсиз...”

Отангизга раҳмат, дўхтир! Ҳақ гаплар! Модомики, гап тиб илми ва тил ҳақида кетаётган экан, биз ҳамиша кўрагимизни кериб, кўксимизга уриб мақтанадиган бобомиз – Али ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн Сино ҳазратлари ҳам бир неча тилларни билган ва ҳатто тилшуносликка оид асарлар ёзган. Ўз даври учун муҳим ҳисобланган форс, араб, юнон тилларини пухта ўзлаштирган табибга муносиб ворис бўлиш учун дунё билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш зарур. Қолаверса, аср бошидаёқ Туркистонда жадидлик ҳаракати асосчиси, миллатпарвар олим Маҳмудхўжа Бехбўдий ҳам халқимизга қарата “икки тил эмас, тўрт тил лозим” дея хитоб қилган: “Дунёимизни илму фанидан хабардор бўлмоқ учун рус, немис, франсавий, англис, италийли, арабий, жопуний тилларидан бирини билмоқ керак...” Энг аввало, ўз тилимизни мукаммал билишимиз шарт. Шунда хорижий тилларни ўрганишга маънавий ҳаққимиз бўлади. Ўзбек тилини яхши билмасдан бошқа тилларни эўр биламан, дейиш ҳам хато.

Камолхўжа Эшназаров ҳар йили тиббиёт жуда ривожланган давлатларга бориб, янги маълумотлар, тажриба, катта-кичик тиббий усуналар билан қайтишга одатланган. Илмий амалиётларни Ўзбекистонда жорий қилади. Масалан, бундан икки йилча олдин АҚШ, Жанубий Корея методи бўйича тизза бўғимини эндопротезлаш амалиёти бахаришганда беморлар бир неча ойлаб оғриқ ҳис қиларди. Қаҳрамонимиз хорижда орттирган тажрибасига таянган ҳолда перооперацион даврда регионал оғриқсизлантириш усулларини қўллай бошлади. Натижада, беморлар операциядан кейинги биринчи уч кунда ҳеч қандай оғриқсиз машқ қиладиган ва юриб кетадиган бўлди. Албатта, бу илмларни талабалар ва ҳамкасбларга ўргатиш ҳам тўхтаб қолгани йўқ. Бундан ташқари, ҳар бир натижа ва кичик тажриба ҳам илмий ишнинг пириқ-пухта бўлишига ёрдам беради. Шифокор ўз ютуқ ва камчиликларини мунтазам таҳлил қилиб, юртимиздаги тиббий натижаларни хориждаги хулосалар билан солиштиради. Мустақил изланишлар олиб боради, мақола ва рисоалар чоп этиради.

“Эски методлардан ҳеч қачон фойдаланмасликка ҳаракат қиламиз. Даволаш буегуннинг ускуналари ва кечанинг тажрибаси билан амалга оширилиши керак. Камроқ жароҳатлаш, нерв тўқималари, қон томирларига шикаст етказмаган ҳолда операция қилишга эътибор қаратилмиз. Жарроҳлик амалиётини кейинги тикланиш даври ҳам муҳим. Оёққа туришгача бўлган даврдаги муоажалар, эрта реабилитация ва ундан кейинги ҳолатни ҳам назоратда ушлаш лозим. Масалан, бизда чаноқ-сон ёки тизза бўғимларини эндопротезлаш амалиётини кейин ҳали бирор беморимиз икки кун ётиб қолгани йўқ. Биринчи кунданок мустақил юради. Жуда кўп беморларимиз, дейлик, эрта-лаб операция қилинган бўлса, кечега бориб, ўзи мустақил ўтириб овқатланади”.

Яқинда саксон олти ёшли бемор аёл Камолхўжа Эшназаров қўлида шифо топгани, оёққа туриб кетгани ҳақида эшитганди. Кексалиқда инсон танаси анча заифлашиб қолади, суюқлар мўртлашади, тикланиш жараёни ҳам анча суст кечади. Жараён ва натижа ҳақида шифокорнинг ўзидан сўрадик.

“У киши бизнинг ҳамкасбимиз. Олий ўқув юртларида дарс берадигар. Ҳолатлари аъло даражада. Аммо бу биз учун юқори чўққи эмас. Биз Каттакўрган туманида яшовчи уруш қаҳрамони бўлган тўқсон олти ёшли отахонни ҳам операция қилганмиз. Жанубий Кореяда эса бир юз олти баҳорни қарши олган инсоннинг бўғимларини алмаштирганмиз. Бундай олангда одамлар ёшаряпти. Энди саксон ёки тўқсон ёш чегара эмас”.

Замонавий шифокор қандай бўлиши керак, деган саволга жонли мисол – Камолхўжа Эшназаров. Айрим шифокорларимиз хорижга тажриба орттиргани боради, ўқийди, изланади, етук мутахассис бўлганда ўша ерда қолиб кетади. Баъзилари қайтиб келгач атиги бир неча йил қандайдир янгилик қилади ва шу билан ўсишдан тўхтади. Чунки у четдаги ҳамкасблари билан мулоқотни узган ва “тирикчилик” кўлмагига шўнғиган бўлади. Қаҳрамонимизга Жанубий Корея, Германия, Россия, Канада каби кўплаб давлатлардан гоҳ таниш, гоҳ нотаниш шифохона раҳбарлари, қисқаси казо-казолардан телефон, хат, эмайл орқали чорлов-таклифлар келиб туради. Ҳатто ўзга юртларда аини дамда фаолият юритаётган ҳамкасблари юқори даромадли иш ўринларига тавсия қилган ҳолатлар ҳам кўп бўлган. Лекин у Ўзбекистонни танлади. Чунки:

“Мени у юртлар эмас, Ўзбекистон вояга етказди, бутун авлод-аждодим шу заминда яшайди. Уларнинг ҳам ҳаёти ва соғлиғига масъулман. Болалигим шу ерда ўтган. Менга ҳаёт берган, нафас берган, нон-туз берган заминдан қарздорман. Бунинг ҳаққини адо этишим керак. Баъзан “Нега Жанубий Кореяга бориб дарс бериб келяпсиз?” дейишади. Ахир, мен у ердан жуда кўп нарса ўргандим. Уларга қарзни қайтаришим виждоним олдидаги асосий вазифалардан биридир. Кўп маош, осмонўпар бинолар ёки юқори унвонлар эмас, ўз севган касбим билан шугулланиш, ўз халқимга озгина бўлсада нафим тегиши мени бахтли қилади. Буегунги ёш тиббиёт ходимларининг қалбида мана шу туйғулар яшагини жуда истаيمان”. Дарвоқе, бугуннинг шифокори аввало, ватанпарвар бўлиши керак. Ўзини шу миллат қамоли, юрт равнақиға бахшида қилган кишидан бахтлироқ киши бўлмайди. Шу билан бирга қаҳрамонимиз айтганидек: “Шифокорнинг бир оёғи ўз юртида, бир оёғи хорижий давлатда, бир қўли жарроҳлик столида, бир қўли илмий иш столида бўлиши шарт. Чунки бу замон талаби”.

Орамизда шундай жафокаш инсонлар кўп-лиги қувонарли, албатта. Аммо бу фидойиликка лойиқ ҳурмат кўрсата оламимизми? Йўлдаги тирбандлик сабаб кечиккан тез ёрдам ходимининг ёқасидан олишга чоғланган юртдошларига бу ҳақида ўйлаб кўрганми? Сўнгги дақиқагача бор имкониятларини ишга солиб, бемор ҳаётини сақлаб қолишга интиланган, бироқ қазо қадарга кучи етмаган нажоткорларни дўп-послаганлар қилмишидан ҳеч уялмайдимми?

Аслида шифокор бўлиш жуда оғир. Аввало, инсон бу соҳага бутун умрини сарфлаши керак. Диплом олишгача камида ўн йил ўқилади. Тажрибали шифокор бўлиш учун ўттиз йил кетади. Масалан, Жанубий Кореяда шифокорга жамиятнинг энг илғор шахси сифатида қаралиши сир эмас.

Ачинарлиси, аҳоли орасида шифокорларга бўлган ишончининг тушиб кетишида айрим “тадбиркор”ларнинг ҳам ҳиссаси бор. Бугун мўмай даромад топаман деб икки дунёси бир қадам бўлиб турган беморни алдаб, бор-будини шилиб олаётганлар, ўлим ёқасида турган инсоннинг оғир вазиятидан фойдаланиб, яқинларига кераксиз дориларни пуллаётганлар, ўзи тўла англаб етмаган касалликни даволаш даъвоси билан тузатиб бўлмас хатога йўл қўётганлар, афсуски, сиз деб билан биз яшаётган заминда кун кўрапти. Элим деб, халқим деб яшаётган, чел эл фароғатидан кечиб келган шифокорлар ана ўша “шайтон малайлари”нинг касрига қолмаяптими? Бу ҳақда Камолхўжа Эшназаров шундай дейди:

“Биринчидан, шифокорнинг илми қай даражада, деган савол ётади. Билмагани билмайман дейиш керак, вассалом. Иккинчидан, ўша мутахассис ўз илмини қай даражада амалиётда қўллай олади? Баъзилар бор, дунё илмларини сув қилиб ичган, аммо қўлга скальпель ушламаган. Қолаверса, бўлажак шифокорларга тиббиёт тарихи, этикаси, деонтологияси каби фанлар ўқитилади. Лекин тиббиёт ходимига қўйиладиган ўзига яраша талаблар бўлади. Энг аввало, бемор ёки унинг ақиллари билан бўладиган мулоқоти тўғри бўлиши керак. Чунки унинг олдида дардига даво истаганлар келади. Унинг онгидаги “кинотеатр” касалликкача бўлган даврни кўрсатиши лозим. Бунинг учун бўлажак шифокор бадиий адабиётлар билан ҳам яхшигина таниш бўлиши керак. Масалан, биз болаларимизда юзлаб роман, эссе, драма ўқирдик. Буларнинг ҳаммаси онгимиздаги “кинотеатр” имкониятини кенайтириш, бу орқали беморлар ҳолатини аниқ тасаввур қилиб, баҳолаш, уларнинг ақиллари билан бўладиган мулоқотда энг керакли ва ўринли сўзларни ишлатиш, беморни сабр билан тинглаш, уни тушуна олиш учун зарур бўлади”.

Юқоридаги гаплардан сўнг хулоса қилдик: демак, замонавий шифокор бўлиш учун киши, аввало, ҳалоллик ва ватанпарварлик вақцинаси билан эмланиши зарур. Маънавий иммунитетни мустаҳкам мутахассис эса турли кўнгилсизликларга дуч келмайди. Қаерда бўлмасин, доимо жигарлари, миллатдошларининг шаънини ўйлайди. Ўзидан илмий, виждонли шоғирдлар қолдиради. Инсониятнинг устози бўлган китобга таянадиган, бутун умрини ўзи танлаган ҳалол касбга бағишлаб, элу юрт хизматида бўлаётган ҳозир табиблар кўпаяверсин!

Шаҳриёр ИБРОҲИМ

БОҚИЙ МЕРОС



“МЕНИ ҲАМОН ЎҚИРЛАР ВА УНУТМАСЛАР”

ёхуд Асалат аянинг нурли хотиралари

Асалат ая – момом. Суҳбатлашиб ўтирган эдик, қулоқ илгамас пичирлаб “Абдулла Қодирий. Жулқунбой. “Муштум”, дедилар.

– Нима-нима? Ая, нима дедингиз?

– Жулқунбой.

– Ким ҳақда гапиряпсиз?

“...Ўн икки ёшларда эдим. Жамалаксоч, ерга урса кўкка сапчийдиган шўх-шодон бола пайтларимиз. Чимкент шаҳрининг Гулбоғ деган жойида катта ҳовлимиз бўларди. Отам Комил бойвачча Турдихўжаев юртнинг таниқли кишиларидан бири эди. Ўзи қассоб, ўша даврда Ўрсиянинг бир қанча шаҳар ва вилоятларига гўшт етказиб берарди. Онам Зулфияхон ая ҳам қўл-оёғи чаққон, саришта, бола тарбиясида мулоийм ҳам талабчан, доно аёл эди.

Гарчи отамиз касби, сурати китобдан йироқдек, аммо сийрати, турган-битгани адабиёт эди. Шейрга, мутлоага завқи баланд бўлгани сабабиданми, уйимизга машҳур шоир, ёзувчи – зиёлилар серқадам, тез-тез йиғилиб туришар, ёзганларидан парчалар айтишарди. Бола ақлимиз билан мушоира кечаларининг қийматини унча илгамасакда, кизгин ва самимий суҳбатлар, шейрлар оҳангими, сўзлар жарангими, хуллас, кўнгилга хуш ёқарди. Албатта, суҳбатни эшик ортидан кўзқўрилаб, қимтини кузатардик.

Шундай нафис йиғинларда ўта жиддий, ўткирсўз, камтарин бир киши унда-бунда иштирок этарди. Кейин отамиздан билсак, бу киши Тошкентнинг Самарқанд дарвоза маҳалласидан, “Ўткан кунлар”ни ёзган Абдулла Қодирий эканлар. Эл оғзида “Отабек ва Кумуш” бўлиб алқанган, кўлма-кўл ўқилган бу асар босмадан чиққанида маҳаллада шов-шув, муҳокама кучайиб кетган. Одамлар адибнинг Чимкентга келишини, асар не сабаб бундай яқун топганини унинг ўзидан сўраш-чун муштоқ кутишарди.

Биз эса роман сюжетини, Кумушнинг захарланиб ҳаётдан қўз юмгани воқеаларини катталардан узук-юлуқ эшитиб (чунки китоб ҳаммада бўлмас эди), бирини тушунас, бирини тушунмай ютоқиб, жараён ривожидан ҳаяжонга тушардик.

Тошкентлик меҳмоннинг ташрифи бизга яна шуниси билан ёқардики, уларга эргашиб қизи Назифа, ўғли Ҳабибулла ҳам келарди. Болалар биргаллашиб боғда ўйнар, қўйиқ айтиб, рақсга тушардик.

Отамиз Абдулла Қодирий билан яқин дўст бўлганидан ҳатто оиладаги бешинчи қиз – синглимизга Хатима исмини қўйишни айтган, хотима бўлсин, кейинги фарзандларингиз ўғил бўлсин деб ниятлаб.

Эсимда, Абдулла Қодирий бизникига келгандида боғимиз этагида ўтириб ижод қиладиган ўз жойи бўларди. Ойим бизга тандирдан эндиғина узилган иссиқ нон, сомсалардан патнисча солиб берар ва ёзувчи амакимизга секин элтишни тайинларди. Табиийки, бундай “топирик”дан бошим осмонда, чоңқиллаб бориб, олдинлари фақат эшитганим, ҳамма дийдорини қўришга интиқ инсонни яқиндан қўриш асносида қўлимдаги патнисни дастурхонга зумда қўйиб қайтардим. Онамиз “Шовқин солма, диққатини бўлма”, дерди-да нуқул. Буйруққа сўзсиз амал қилардим.

Отамизни адиб билан, ижоддан бўш пайтлари, боғда кўп кузатардик: икковлон олма-узум шохларини бутаб, шийпонда қизгин суҳбат қуришарди. Йиллар ўтиб билдик, уйимизнинг энг қадрли меҳмони, шундай самимий инсон турли бўхтон, таъйиқ ва таъқиблир исканжасида қолган экан. Кейинчалик унинг отиб ўлдирилганини эшитгач, қўз ўнгимда иссиқ нон кўтариб, адибнинг олдиға борганларим, уларнинг ижод оғушидаги ўйчан, улғувор қиёфаси қайта гавдаланиб, алланечук сессаниб кетдим”.

“Отабек ва Кумуш” чиққач, 1928 йили улғу адиб ўғли Ҳабибулла билан келгани,

тонготар суҳбатларини кўрган момомиз Асалат аянинг деганлари шу. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин, ўшанда момомиз тўқсон ёшдан ошган эди.

Йиллар ўтиб Қодирий уй-музейига келиб, кўплаб қизик, ҳам оғриқли маълумотлар билан танишдик. Адибнинг невараси Хондамир Қодирий билан самимий суҳбат қурдик. Ёзувчининг мўъжаз ижодхонаси, элда “Жулқунбой шийпони” деб ном олган иморат, оилавий хужраларини томоша қиларканмиз, отамиз ва улғу адибнинг дўстлиги ҳақида узоқ сўйлашдик.

У киши ўз навбатида отаси Ҳабибулла Қодирийдан олган сабоқлари, ёрқин хотиралари ҳақида гапираркан, ота-ўғил (Абдулла Қодирий ва Ҳабибулла) бир неча марта Чимкентга борганидан хабари борлигини тасдиқлаб, Асалат ая хотираларининг тарихий қимматга эга эканини таъкидлаб ўтди. Бу хотира, маълумотлар адиб ҳаёти ва ижодиға янги қўшимча бўлишидан мамнун сўзлади.

Бинобарин, адиб қамоққа олингач, асарларини “зарарли” деб ўқиш тақиқланган, ўтда ёқилган, кутубхоналардан йўқотилган. Китобни кўрпа тагида яшириб ўқиганлар бўлган. Киминики қўлида “Ўткан кунлар” кўриб қолинса, ўшанинг оёғини ерга теккизмай олиб кетишган.

1957 йил. Абдулла Қодирий расман оқланди. Аммо унинг отиб ташланганлиги ҳақидаги маълумот (ўлимидан сўнг оқланганлиги ҳақидаги каби) узоқ йиллар сир сақланди.

Адолатни тўғри идрок этиш учун ҳам “мозийға қайтиб иш қўриш хайрлиқдир”. Қодирий наслининг ҳар бир аъзоси бу миллат учун сабр ва сабоқ тимсолиға айланган. Адибнинг тўнғич ўғли Ҳабибулла қисмати ҳам ана шундай оғир воқеаликлардан бири. “Халқ душмани” тухмати бутун хонадонга соя соларкан, Ҳабибулла Қодирий ҳам “халқ душманининг ўғли” сифатида айбланиб, кўплаб қўрсқлар, қийноғо азоблардан сўнг Сибирга сўргун қилинади...

Вақти келиб Ҳабибулла Қодирий отасини отган аскар билан юзма-юз келади. Аскарнинг хотирлашича, Қодирий сўнгги илтижо сифатида унинг қамарига тақилган флягадаги сувни сўрайди. Аскар рози бўлади. Қодирий сувни ичмайди, ўша бир кафт сув билан таҳорат олади ва икки ракат нафл намозини ўқиб, кейин қатлга таёйроқлиғини айтиди.

Қотилнинг ҳикоясига кўра, Қодирий ўлимга тик борган, юрагида қўрқув бўлмаган. Бу жасорат адибнинг ҳар асар, ҳар ҳикматида, “Ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, қийноқдан қўрқмайман” деган сўзларда барҳаёт.

Бу – ёзувчи наинки асарларида, балки халқ қалбида ҳам тирик эканининг ёрқин исботи. 1991 йил Абдулла Қодирийга “Мустақиллик” ордени ва Алишер Навоий номидаги Давлат мукофоти берилди. Таълим муассасалари, маданият ва истироҳат боғлари, метро бекати адиб номи билан аталди. Бу фақат ном бериш эмас, халқнинг буюқ фарзандига эҳтироми, эъзози, меҳри ифодасидир. Сўнгги йилларда эса Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий уй-музейи, унинг номидаги ижод мактаби ташкил қилиниб, Адиблар хиёбонида муаззам ҳайкали ўрнатилгани нур устига нур бўлди.

Қодирий ҳаёти ва мероси фақат тарих эмас, бугунги, келажакни тўғри йўлга бошлайдиган руҳий қудрат, дейишимиз мумкин. Унинг асарларини ўқиш бу шунчаки китобхонлик эмас, балки масъулият, ватан ва халқ олдидаги бурч ҳамдир. Адибнинг ўзи деганидек, “...мени ҳамон ўқирлар ва унутмаслар”.

Муяссар МУХАНОВА

Чимкент шаҳри



ТАХЛИЛ

ҚАТТОЛ ҚИРҒИН АСОРАТЛАРИ

ёхуд нега юз миллионлик нуфусга етмадик?

Иккинчи жаҳон уруши йилларида эндигина ўн ёшдан ҳатлаган қизалоқ – онам катталар қаторида қолхозда ишлашга мажбур бўлган. Мажбур қилинган. Онам раҳматли кўп айтарди: “Оч ўтирай-тўқ ўтирай, сира уруш бўлмасин!”

Гўдакпигидаёқ жисмига сингиб кетган уруш ваҳми онамни умри поёнигача тарқ этмади. Ногоҳ неваралари тушириб қолдирган нон ушогини кўриб қолсалар, дарров териб олиб, пешоналарига суртиб бош чайқардилар: “Уруш вақти шугина ушогини тополмай очликдан шишиб ўлганлар бўлди. Тўқлик замонамдан айланай...”

Жаҳон тарихидаги энг сўнгги, энг кўп қурбонлар берилган Иккинчи жаҳон урушидан бизни кўп эмас – атиги саксон йил ажратиб турибди. Шир айтмоқчи “тарих учун бу муддат қош ва киприк ораси”.

Кейинчалик аниқлаштирилган маълумотларга кўра, урушда 52 миллион киши ҳалок бўлгани, саксон миллиондан ортиқ инсон майиб-мажрўҳ қайтгани қайд этилган. Ҳалок бўлганлар қабрини Москвадан Берлину Узоқ Шарққача бўлган ҳудудларда ўт-ўлан босганига саксон йилдан ошди.

Уруш ўчоқларидан энг ками тўрт минг чақирим масофада жойлашган қадим юртимиз ундан энг кўп йўқотишлар билан чиққани қўйидаги рақамларда аён кўринади: 1418 кун давом этган Иккинчи жаҳон уруши арафасида республикаимизда 6 миллион 551 минг киши яшаган. Улардан 1 миллион 951 минг 700 нафари урушга бевосита ва билвосита сафарбар қилинган. Бевосита жангоҳларда қатнашган юртдошларимиздан 530 минг киши ҳалок бўлган. Эллик минг аскар асир тушган. 870 942 киши майиб-мажрўҳ бўлиб қолган (Маълумотлар манбаларда ҳар хил). 158 минг аскарнинг тақдирини ҳали ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

Нуфуси ярим миллиондан сал кўпроқ бўлган Хоразм вилоятидан 131 600 киши урушга сафарбар қилинган ва уларнинг ундан иккиси уйига қайтмаган.

У пайтда вилоятда олти туман бўлиб, уларнинг энг каттаси Ҳазорасп эди. Тумандан 20 821 ғўр йигит урушга олиб кетилган. Ярим мажрўҳ ҳолида бўлса-да, уйига омон қайтганлар сони олти мингдан сал ортиқ.

Уша вақтда Ҳазорасп тумани таркибида бўлган элатимизда ташкил қилинган қолхоздаги 42 оиладан 22 нафар йигит урушга кетган. Уйига қайтганлар сони 7 нафар. Улардан уч нафари кўл ёки оёғидан ажралганди.

...Амакимиз Рўздат бийнинг икки ўғли – Ражаббой ва Каримбойнинг жасади жангоҳда қолган. Бу амакиларимиз урушга кетганларида эндигина 18 ёшга тўлишганди.

Элатдаги қолхоз раиси, амакимиз Эгамберди Эшнӣёзов 1942 йилда урушга отланган ва Власов армиясида взвод командири бўлган. Армия қуршовда қолиб, немисларга асир тушганидан сўнг тақдирини нима кечга-

ни номаълум. Ҳайриятки, амакимиз уйланган бўлиб, ундан икки ўғил қолганди.

Ёки шу қолхозда омбор мудирини бўлиб ишлаган Кўчқор қулоқ уч норасида боласини ташлаб, урушга отланади ва Сталинград остоналарида тупроққа кўмилади...



Уруш ортида рўй берган фожиалар фронтдагидан кам бўлмаган. Борини фронтга юборган аҳоли рўй берган арафасида республикаимизда 6 миллион 551 минг киши яшаган. Улардан 1 миллион 951 минг 700 нафари урушга бевосита ва билвосита сафарбар қилинган. Бевосита жангоҳларда қатнашган юртдошларимиздан 530 минг киши ҳалок бўлган. Эллик минг аскар асир тушган. 870 942 киши майиб-мажрўҳ бўлиб қолган (Маълумотлар манбаларда ҳар хил). 158 минг аскарнинг тақдирини ҳали ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

Отам қолхозда тракторчи бўлгани учун уруш бошламасида “бронь” билан қолдирилган бўлсалар-да, 1942 йил кишида фронтда вазият оғирлашгани ортидан бир кунда урушга олиб кетилган. Урушини Берлинда тугатган отам 1946 йил қайтиб келади ва ярим хароба уйини, очликдан ўлар ҳолатга келган укаларини кўради. Уруш арафасида вафот этган акаларидан ёдгор қолган ўсмирини эса бегона биров асраб олган бўлади.

Отам айтарди: “Урушга кетганимизда элатдаги 42 иморат мўриларидан тутун қиқиб турарди. Қайтиб келиб кўрдимки, тўрт йил олдин ҳаёт қайнаган шу хонадонларнинг ярмиси ҳам қолмабди. Тўрт йиллик уруш элатимизга ўнглаб бўлмас қирғин солган эди”.

Сотволди какир тоғамизнинг 16 яшар укаси Кўклам тоғамиз элатлик бир гуруҳ тенгқурлари билан 1943 йилда Сибирдаги ҳарбий заводларда ишлаш учун олиб кетилган. Уша вақтда буни “ФЗУ – фабрика-завод бошқармаси” дейишган (қариялар ўзаро гурунгларида “Фалончининг муштдек боласи “пзу”га кетиб, қайтиб келмади” деб хотирлашарди). Кўклам тоғамизнинг бир йилдан сўнг ўлиги

келган. Ёш ўсмир Сибирнинг қора совуғида ўпкасини совуққа олдирган...

Эллик яшар Раҳматулло амакимиз ишчи батальонига олиб кетилади ва икки йилдан сўнг ярим ногирон бўлиб қайтади. Билагидан куч, белидан қувват кетган эллик яшар инсон Москва яқинидаги қурилишда кунига 14 соат

ўзгармас қонуният. Афсуски, айрим тадқиқотчилар урушга “инсониятнинг табиий танланиш лаҳзаси” дея таъриф беришади. Улар наздида Ер шарини имкониятларидан келиб чиқиб, аҳоли сонини шу тахлит мувозанада сақлаб туриш керак эмиш. Нақадар ноинсоний, жирканч фалсафа!

Иккинчи жаҳон урушигача бўлган даврда дунёда бир миллиарддан кўпроқ одам яшаган. Ўтган саксон йилда инсоният 8 миллиардлик маррадан ўтди. Бу ҳар ўн йилда инсоният бир миллиардга кўпаймоқда дегани.

Агарда ўша лаънати уруш бўлмаганида бугун дунёда энг камида юз миллион ЎЗБЕК яшаётган бўлар ва энг кўпсонли миллатлардан бирига айланарди. Юртимиз ҳудуди, табиий шароити, бойликлари, ҳосилдор ерлари шу миқдор аҳоли тўқин-сочин яшашларини таъминлашга қодир (Айтарли ероти бойлиги бўлмаган, экин ер майдонлари биздан деярли беш марта кам бўлган Японияда бугун 130 миллион аҳоли бор. Пойтахти Токио аҳолиси сони республикаимиз аҳолиси сонидан кўпроқ).

Москвадан Берлингача жанг майдонларини пиледа кечириб ўтган раҳматли отам луғатида “уруш” сўзи учрамасди – йўқ эди. Отам ўзи, оиласи, қавмдошлари бошига тушган бу қулфатни бир сўз билан атарди – “қирғин”. Гоҳида уруш даври хотираларини гапиришга ўзларида куч топанларида “Юртга қирғин келди”, “Одамлар қирилиб кетишди”, “Уч йил қирғинда юрдик”, дердилар.

Ушбу мақолани ёзишга муҳтарам Президентимизнинг Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган фронтоти иштирокчиларини моддий рағбатлантириш, “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медалини таъсис этиш тўғрисидаги Фармонларда белгилаб берилган вазифалар, яъни қирғинда ҳалок бўлганларни хотирлаш, шу жаҳада қатнашган ва ҳали-ҳамон ҳаёт бўлган инсонларга муносиб эҳтиром-эъзоз кўрсатиш борасида қилинадиган ишлар кўла-ми сабаб бўлди. Бизга ўша олис ваҳшатли қунар иштирокчилари бўлган уруш қатнашчиларининг ҳар бирига ўн минг АҚШ доллари миқдориди

мукофот бериш, фронтоти захматкашларини ҳам муносиб тақдирлаш юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг тимсоли! ...Ва ҳозирда дунёнинг бир қатор давлатларида ер, тил, дин талашиш ўлароқ келиб чиққан ва давом этаётган урушлар оқибатида ҳалок бўлаётган, уйсиз-бошланасиз қолаётган, ногирону нотавон аскарлару тинч аҳоли вакиллари дод-фарёдлари ёйинланаётган лавҳаларга кўзим тушганида “Эй одамзод, қачон уруш қирғин сузуни луғатингиздан учира-сизлар!” деб ҳайқиргим келади.

Ўз навбатида, Покистон ҳарбий-ҳаво кучлари ва армияси Ҳиндистонга жавоб зарбалари йўллади.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси аъзоси

БИР АСАР ТАРИХИ

Адабиёт инсон тафаккури ва қалбида кечмиш руҳий тўлқинлар, замон оғрикларини ифода эта оладиган кучли воситадир. Иккинчи жаҳон уруши ўзбек адабиётида ҳам қалам аҳлининг руҳий синовлар олдидаги мавқеини кўрсатиб берди. Бу даврдаги асарлар нафақат урушнинг ўзини, балки халқнинг сабру-матонати, фидокорона меҳнати, орзу-умидлари, аждодларга садоқат ва истиқболга ишончини ҳам ўзида мужассам этди. Ўша даҳшатли йилларда халқ қалбидаги изтиробни, Ватанга муҳаббат, фидойиликни ифода этган ва бугун ҳам қийматини йўқотмаган кўплаб адабий дурдоналар яратилди.

ИГНА БИЛАН ЁЗИЛГАН РОМАН

Урушдан кейинги йилларда ўзбек адабиёти сафини тўлдирган истеъдодли ёзувчилар ҳам ушбу мавзуда кенг кўламда ижод қилдилар. Айни жараёнда битилган асарлар қарвонида ёзувчи Валижон Ғафуровнинг “Вафодор” романи ўзининг муносиб ўрнига эга. Урушни ўз танасида ҳис этган ва фронт ҳаётини бошдан кечириб, сўнг ижодга кириб келган ижодкорнинг мазкур асари “Игна билан ёзилган роман” сифатида нафақат фронт ҳақиқатларини, балки инсон руҳиятини бадиий тадқиқ этгани билан ажралиб туради.

1990 йили “Гулхан” журналада адабий муҳаррир бўлиб ишлаб юганимда, бош муҳарриримиз Ойдин Ҳожиёва ёзувчи Вали Ғафуров билан суҳбат тайёрлашни менга ишониб топширди. Апрель ойининг бошлари эди. Зангиота (ўша пайтлари Калинин) туманига излаб бордим. Рўпарамда катта ҳовли, саранжом, файзли хонадон. Турли экинлар қулф урган томорқа, чиройли қилиб таралган ишқом, пойида турфа гуллар очилиб ётар, сўрида ёзувчимиз радио тинглаб ўтирарди. Янгамиз дастурхон тузар экан, ора-сера суҳбатга қўшилиб турарди.

Валижон Ғафуров билан мулоқотдан кўп лавҳалар ҳамон эсимда:

“1942 йили ўн тўққиз ёшда фронтга олинганман. Йигирма бир ёшимда кўзларимга мино осқолкалари жароҳат етказгач, кўришдек катта неъматдан айрилдим, аммо жоним омон қолганига кўп шукрлар қилганман.

Тўғма кўзи оғизларга қараганда менинг ҳолатим беҳроқ эди. Зеро, ёруғ дунё нима, ранглар қанақа, гул нима, ғунча нималиги, капалаклар қандай учини, тунги ва кундузги осмон, уруш ва тинчлик қандай бўлиши, гўзаллик қанақа бўлиши ҳақида тасаввурларим шаклланиб улгурганди. Кўзим очиклигида яхши саводхон эдим. Фронтда ҳам кўпчиликка мактуб ёзиб берган пайтларим бўлган. Ўша мактублар охирига икки ёки тўрт қатор шеър қўшиб қўярдим. Ижодкорлик руҳимда мавжуд эди.

Қўрган-кечирганларимни қозоғга тўкиш истаги тинчлик бермасди. Шу сабабли менга кўзи оғизларнинг Брайль алифбосини ўргатиш учун махсус ўқитувчи дарс бера бошлади. Бу алифбода ҳарфлар икки хил – аввал қозоғга игна билан тешилладиган нуқталар ёрдамида тескари ёзилиб, кейин қозоғ ўнглиниб, бўртиб қолган нуқталар ёрдамида ўқилар экан”.

Кўзи оғиз ҳолатида ҳам қалам билан дўст тутишган, адабиётга беқиёс муҳаббат туйғуси билан ёндашган Валижон Ғафуровнинг ижод йўли беқиёс меҳнат ва сабр-матонат намунаси сифатида алоҳида эътирофга лойиқ. Унинг ижодий салоҳиятини юзага чиқариш мақсадида Республика кўзи оғизлар жамаияти

ташаббуси билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига мурожаат қилинди ва бу сай-ҳаракатлар бесамар кетмади. Валижон Ғафуровга “Шинелли йиллар” романи билан танилган забардаст ёзувчи Шухрат устоз этиб тайинланди. Устоз ва шоғирд орасида тўрт ёш фарқ бўлиб, урушнинг оғир азобларини бошдан кечирган бу икки адибнинг хотираларида, қалб изтиробларида ва ижодий мушоҳадаларида уйғунлик бор эди. Шу боис, уларнинг муносабати жуда самарали ва самимий кечди.

Ёзувчи Валижон Ғафуров билан гурунгимиздан бир ой ўтар-ўтмай Шухрат домла билан суҳбат уюштирадиган бўлди. Домланинг гиштин ҳовлисида кечган самимий суҳбатимиз Валижон Ғафуров билан ўтган мулоқотнинг мантикий давомидек туюлди: “Валижон “Вафодор”ни игна билан ёзишга киришганида оиламизнинг аъзоси қатори бўлиб қолганди. Унга хона ажратиб бергандик, ёзганларини кирилл алифбосига ўгириб, устидан таҳрир қилиб чиқардим. Ҳар бир таҳрирдан кейин Валижон янги саҳифаларни янада юксак савияда ёзарди.

Романнинг асосий қисми мана шу ҳовлида қиёмга етди. Бир маротаба янги ташкил қилинган Дўрмон ижод уйига ҳам бориб ишлаганмиз. Бундай катта ишни бир ҳамлада битказиш қийин, боз устига ўзим ҳам ижод қилишим керак эди. Валижон бир неча ойга яна уйига, ёки соғлигини мустаҳкамлаш учун тиббий сихаттоҳларга бориб келарди. 1958 йили “Вафодор” романи Брайль ва кирилл алифболарида нашр этилди. Кечаги фронтвик йигит энди катта адиб сифатида доврўқ таратди!”

Романнинг айнан “Вафодор” деб номланиши борасида муаллифнинг ўзи шундай деганди: “Асар номи бир қарашда урушдан кўзи оғиз бўлиб қайтган аскарга нисбатан қўллангандек тасаввур уйғотса-да, аслида, бошқа бир образ – ўзбек хотин-қизлари характерини ўзида мужассам этган хокисор қиз сийратини очиб беради. Бу қиз аскарликка олинган йигитни суйгани ҳолда дил ёролмай, кучи ҳамма қатори фронтга кузатиб қолишга етади, холос. Аскардан оиласига мактублар келганида улар қатори қувониб, мактубни овоз чиқариб ўқир, ҳатто жавоб хати ҳам ёзиб беради. Бу ора аскарнинг ота-онаси уни келинликка кўзлаб қўйишади. Фронтдан сўқир қайтган йигит қизга юк бўлмаслиқни уйлаб, дастлаб никоҳдан воз кечади ҳам. Аммо қиз кўнгли, чин муҳаббати охир-оқибат баланд келиб, бир умрлик йўлдошига айланади. Ўша қиз... янгангиз бўлади”.

Адиб шуларни айтarkan, ҳовлида қуй-маланиб юрган аёли қадамларини шовқин оралаб пайқаб, у тарафга қараб қўяди.

Оллоёр БЕГАЛИЕВ

ЖАҲОН АЙВОНИДА

КАНАДА СОТИЛМАЙДИ

Канада бош вазири Марк Карни парламент сайловларида ғалаба қозонганидан кейин ил бор Оқ уйда АҚШ президенти Дональд Трамп билан учрашди. Учрашув мамлакатлар ўртасидаги савдо уруши ва Трампнинг Канада БШ-нинг 51-шати бўлиши кераклиги ҳақидаги баёнотлари фонида бўлиб ўтди. Бу ҳақда “New York Times” хабар берди.



Журналистларнинг Канаданинг АҚШга қўшилишига жиддий қараш билан боғлиқ саволига Трамп “ха” деб жавоб берди, бироқ бунинг амалга ошиши даргумонлигини тан олди.

Канада бош вазири бунга жавобан дипломатик тарзда Трамп бизнесдаги тажрибасидан “ҳеч қачон сотил-

майдиган жойлар борлигини” билишини айтди, деб ёзади “CBC News”.

“Мен сўнгги ойларида сайловолди кампанияси давомида Канада эгалари (сайловчилар) билан учрашдим ва шуни айтишим мумкинки, у ҳеч қачон сотилмайди”, деди Карни.

“Ҳеч қачон “Ҳеч қачон” дема”, деб жавоб берди Трамп.

“Ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон”, деди кулиб Карни.

ЯНГИ НИЗО ЎЧОҒИ

Кунини кеча Кашмирнинг Покистондаги қисмида кўплаб портлашлар содир бўлди. Шундан сўнг Ҳиндистон ҳукумати Покистондаги, шунингдек, Кашмирнинг Покистон қисмидаги “террорчилик” инфратузилмасига ҳужум бошлаганини эълон қилди.

Ҳиндистон ҳукумати “Синдур операцияси” доирасида тўққизта объектга ҳужум қилганини билдирди.




Ўз навбатида, Покистон ҳарбий-ҳаво кучлари ва армияси Ҳиндистонга жавоб зарбалари йўллади.

ДИСНЕЙЛЕНД ҚУРИЛАДИ


Disney компанияси Яқин Шарқдаги биринчи тематик боғини қуради. У БАА пойтахти Абу-Дабида очилади, деб хабар бермоқда компания матбуот хизмати.

Қайд этилишича, Диснейленд Яс суний оролидан жой олади. Лойиҳа тафсилотлари ошкор этилмаган.



Disney фақат лойиҳани ишлаб чиқишга тахминан икки йил, боғни қуришга эса олти йилга яқин вақт кетишини маълум қилган.

Ҳозирги кунда дунёда олти Диснейленд мавжуд. Улар Калифорния, Флорида, Токио яқинидаги Ураясу шаҳри, Шанхай, Ҳонконг ва Парижда жойлашган.



МАРСГА РАКЕТА УЧИРИЛАДИ

NASA яқин йиллар ичида Марсга ракета учиратиш вариантларини кўриб чиқмоқда. Бу ҳақда агентлик матбуот котиби Бетани Стивенсга таяниб, “Politico” хабар берди.

“Биз кейинчалик инсонларни Марсга қўндириш имконини берадиган янги технологияларни синовдан ўтказиш учун барча имкониятларни, жумладан, 2026 ва 2028 йиллардаги учир режаси хавфсизлиги баҳолаяпмиз”, дейди Стивенс.

Унинг қайд этишича, 2026 ва 2028 йилларда Ер ва Марс бир-бирига жуда қисқа масофада яқинлашади, бу эса парвозларни амалга ошириш учун жуда ҳам қулай.

Агар NASAнинг янги режалари амалга ошса, бу Илон Маскнинг SpaceX компанияси учун жуда мақбул вазият яратиши мумкин, чунки ушбу парвозлар учун айнан унинг ракеталаридан фойдаланилиш эҳтимолдан холи эмас.



АЛУШТАДАН ЭСГАН ЕЛЛАР

Бошланиши 1-саҳифада.

Алушта деганлари Қримдаги хушхаво бир гўзал шаҳар эмиш.

Боя айтдим-ку, ёш эдик, дилларимизда зар-ра губор йўқ эди, шунинг учун эртаси, индинига терилган пахтани хирмонга топириб бўлгач, бутун қишлоқни бошимизга кўтаргудай бўлиб бояги қўшиқни қуйлаб кечки овқат тортиладиган жойга маршдаги аскарлар каби бораётимиз:

*“Алуштадан эскен еллер юзуме урди-и-и!
Болалиғим ўткен ерлер ядима туштуу-у!”*
Бир-биримиздан ошириб, ҳайқириб айтамиз бу қўшиқни!

Тўртинчи куни қуёш ботган маҳал, энди овқатланиб бўлудик, уч қримтатар оқсоқол саломлашиб, биз ўтирган хонага кириб келди. У ёқ – бу ёқдан гаплашиб, танишган бўлишди. Бир пиёладан чой ичилгач, бояги қўшиқни қаердан ўрганиб олганимизни сўрашди. “Э, биз уни ўрганганимизга энди уч кун бўлди, – деб хурсанд бўлиб чувиллашдик. – Анови йигит бор-ку, Халилжон, ўша ўргатди, зўр бола экан!” Нимагадир, ҳаммаларининг юзи буришиб кетди.

“Э, Халил эдими сизларга ўргатган? Тентак-ку, эс-хуши жойида эмас унинг. Энди, укалар, бу қўшиқни унутинглар, ҳеч жойда айта кўрманглрар. У тақиқланган. Кимдир сўраса-ю, сизлар шу қишлоқда эшитганимиз десанглрар, бизга ёмон бўлади. У ёғини ўзинглрар тушунасизлар. Сизлардан илтимос...”

Ҳаммамиз серрайиб қолдик. Ўша онда юракларимизга таҳлика тушди. Қандайдир қақув, таъқиб, ими-жиммида ишдан бўшатиб юбориш каби ҳоллар бор эди-да. Ҳатто бирга ишлаб юрган оғайниларимизнинг ҳаммаси ҳам чин дўстми ё айёқчими, билмас эдик.

Менинг ёдимга лоп этиб ўтган йили пахта теримда учратганим бир рус кишиси келди. У Бўканинг “Кўкорол” совхозидagi овлоқ дала шийлонида ёлғиз ўзи яшар, ҳатто ақин орадаги бирон қишлоққа нон ё қатик олиш учун бориб-келишига ҳам “рухсат йўқ” экан. Шунинг учун бола-чақалари унинг олдига келиб, зарур нарсаларни ташлаб кетишарди. Ажабки, у нима гуноҳи учун бунақа жазога тортилганини сўраш ҳам “мумкин эмас” экан. Ўзи одамови, ҳеч ким билан гаплашмайди...

Бояги чоплар узр сўраб, сипо чиқиб кетишди. Шу-шу, Халилжонни кўрмадик. Бола бечора таъзирини еган кўрнади.

Мундай фикр юритсак, Совет ҳокимиятининг тарихи – бутун-бутун элларни ўз ватанидан ҳайдаш, сургун қилиш тарихи экан. Ўзбекистоннинг ўзига турли йилларда қримтатарлар, месхети турклар, греклар, корейслар ва бошқа эллар оммавий кўчириб келтирилган. Улар дашт-сахро ёки музлоқ биёбонлардан эмас, жаннатмонанд гўшаларидан ҳайдалган. Бу хонадон эгаларига ҳатто қатагон ноҳақ бўлгани эътироф этилиб, реабилитация қилинган саксонинчи йиллар охирида ҳам ўз жойларига қайтишга рухсат йўқ эди.

Бечора қувинди эллар ит боғлаб қўйсанг турмайдиган овлоқ ерларга сургун қилинган. Уй-жой қаёқда? Ўзлари қапа тикиб, ертўла қовлаб, пашшага таланиб, пашшадай қирилиб кун кўришган. Ботқоқларни куришиб, шўр ювиб, ҳосил олишган. Биз ичимиздан чиққан қатагон қурбонларига жонимиз ачийди, жаллодларни асло кечира олмаيمиз, аммо буларнинг фожиаи янада даҳшатли. Ахир ҳамма – бутун миллат қатагон қилинган!

Икки грек чол бир замон менга айтганлари ёдимга тушади: Қримда яшайдиган греклар ҳам Ўрта Осиёга сургун этилган. Махсус идора вакиллари ва маҳаллий ҳокимият арбоблари



Ўзбекистонга кўчириб келтирилган грекларни ўшанда катта бир анжуманга тўплаб, бизда грек тилли мактаб очиш имкони йўқ, ҳўш, болалар қайси тилда ўқиганини маъқул биласизлар, деб сўрабди. Депортация қилинган аҳоли ичида бир грек генерали ҳам бўлиб, у одам, “Ҳамонки биз Ўзбекистонга келдик, энди шу ерда яшайдиган бўлсак, майли, болаларимиз ўзбек тилида таълим олишсин”, деб фикр билдирибди.

“Генералимизни ўшандан кейин кўрмадик, – дейишди бироз хавотирда бояги икки чол. – Грек болалар эса русча мактабда ўқийдиган бўлишди...”

Бу йилларда ўзбекларнинг катта бир қисми Украинага сургун қилиниб, ўша ёқларда пахта экишга мажбурланган, Сибирнинг хут-от совуқларида дийдираган. Унга қадар эса – Қўқон қирғини, “босмачиликни тағ-туби билан йўқотиш” кампанияси...

Қирғизлар “инқилоб тонги” отмай туриб, 1916 йилнинг қаҳратон қишида овулларида қувгин қилинган – конвой юз минглаб қирғизни Хитой чегарасининг нариёғига ҳайдаб ўтказган, йўлда отиб-чошиб кетаверган, тирик етиб борганлари очлик, уйсизлик сабабли яна қирилган, хўрланган. Ҳозир Чин юртида яшаётган бир ховуч қирғизлар – ўша шўрпешоналарнинг нўриёти. Қирғизистонга эса немислар, қорачойлар, қалмоқлар, ингушлар, чеченлар, болқорлар, қримтатарлар сургун этилган. Шу баҳона, миллий автономиялари ҳам тугатилган.

Қозғоғистонга ҳайдалган халқлар миқдори ундан ҳам кўп.

Яна қайси бирини айтайлик?

Балки, Шўро давлати ана шундай қориштиришлар орқали “Ягона совет халқи”ни барпо этишни кўзлагандир? Аммо... ниманинг эвазига? Ўлимлар, азоблар, фарёдлар, ноҳақ тўқилган қонлар, увол кетган жонлар ҳисобигами?

Тарихинг битмокча, халқим, Мингта Фирдавсий керак. Чунки бир бор тортган оҳинг Мингта дoston, ўзбегим, – деб ёзганида Эркин Воҳидов қанчалар ҳақ бўлган! Бу гап бошқа элларнинг ўтмишига ҳам баб-баравар тааллуқли.

“АПАҚИЙ”

Устоз таржимон Тўлқин Алимов раҳматли бир воқеани айтиб берганди. Паркент қишлоғига урушнинг охирида кўп қримтатарлар кўчириб келтирилган. Улар орасида бир жувон ҳам бор экан. Ҳамманинг ишини қилиб юрар, шундан бир бурда нон топаркан. У барча хотинларга маъюслик билан Апақий (опажон) деб мурожаат қилар, шунинг учун оти ҳам Апақий

бўлиб кетган экан. Доим гамгин, кўзини ердан узмайдиган, сира қулмайдиган бу аёлни бир куни Тўлқин аканинг онаси ёнига қақириб, на-сиҳат қилибди:

– Апақий қизим, – дебди. – Мана, эрим урушда деяпсан. Аммо бир сенинг эринг эмас-ку урушга кетган? Шу маҳалламизнинг ўзидан йигирма нечтаям йигит фронтда. Кўпга келган тўй экан-да, нима чорамиз бор? Сен унақа хафа бўлавермай, ўйнаб-қулиб юрсанг бўлмайдимми? Нега доим йиғлаганинг-йиғлаган? Ўзингни қийнайсан?

– Эй-й, апақий, – дебди бояги қримтатар жувон яна йиғлаб. – Менинг дардим бошқа, уни ҳеч ким билмайди.

– Менга айт, қизим, ҳасратингни, – дебди кампир. – Сал енгил тортарсан ахир.

– Эрим урушга кетганида қўлимда уч ойлик болам бор эди, – дебди Апақий яна ҳиқиллаб йиғлаб. – Ўғил бола эди. Ўша билан овуниб юргандим. Ҳовлимда биттагина ғозим ҳам бор эди. Уям менга ўрганган, қаёққа юрсам, ортимдан эргашиб юрарди. Бир куни дарвозамизни шарақлатиб очиб, уч ҳарбий киши кириб келди. “Бу ерга немислар бостириб кел-япти. Ҳамма кўчирилади. Тўрт соат муҳлат. Болангни, паспортингни, пулингни ол. Бошқа нарсаларинг қолсин. Ҳамма қримтатарлар кўчирилади. Бу ерларга энди қайтиб келмайсизлар. Бўл, тайёрлан!” деб буйруқ бериб чиқиб кетишди. Мен боламни йўргакладим, паспортини, бор пулинни олдим. Қарасам, ғозим менга ҳадеб эргашиб юрибди. Кел, дедим-да, биров билмасин деб тумшугини ип билан ўраб, оппоқ йўргакка уни ҳам белаб қўйдим. Буям болам дейман сўрашса, деб ўлайдим. Аммо сал ўтмай, ҳарбийлар яна югуриб кириб келишди. “Бояги муҳлат бекор бўлди, поезд ярим соатда жилади, чиқ машинага!”, дейишди. Бутун қишлоқ олаговур. Ит эгасини танимайди. Мен йўргакланган болани олдим. Уйим билан хайрлашдим. Поездга қақаришди, аллақаёққа кетяпмиз. Орадан икки-уч соат вақт ўтса ҳам, бола йиғламай, овоз чиқармай кетяпти. Қорни очмадимикин, деб юзини мундай очиб қарасам, воҳ, апақий, ваҳимада боламни уйда қолдириб, йўргакланган ғозни олиб чиққан эканман! Дод-дод деб ғозни вагон деразасидан отиб юбордим, бошимни деворларга уриб бақириб йиғладим, аммо ортга қайтишга йўл йўқ. Гўдаккинам уй айвонида қолаверган экан! Мен бунинг азобини қандай кўтариб юрганимни бир ўзим биламан...

– Онам ҳам қўшилиб йиғлаган эди ўшанда, – деб ҳикоясини тугатди Тўлқин ака. – Нуқул вой бечора Апақий қизим, ичингда шунча

дардинг бор эдими сенинг? – деб ҳиқиллаганлари ёдимда...

Туғилиб ўсган юртидан ҳайдалса, уй-жойлари зўрлик билан тортиб олинса, урушни ғалаба билан тугатган аскарлар ҳам эли сургун бўлган жойларга жўнатила!

Ҳаттоки гурбатда кун кўраётган бу халққа ватани ҳақида ашула айтиш ҳам ман қилинса! Зулмининг булар кўрмаган яна қайси хили қолди экан?

“БИЗНИНГ КҶЧА, БИЗНИНГ УЙ!”

Тўлқин ака бир умр наشريётда ишлаб, кўп адиблар билан ҳамсуҳбат бўлган, гоҳ улардан эшитган ғалати воқеаларни ҳикоя қилиб берар эди. Ҳозир исми ёдимдан чиқибди, тўқсонинчи йиллар бошида Қримга боришга рухсат тегиб, бир қримтатар адиби опаси билан ўзлари туғилган шаҳарга боришибди. Гўдак чоғида ота-оналари билан Ўзбекистонга келиб қолишган-да. Сўраб-сўраб, ўзлари яшаган кўчани топишибди. Қарашса, таниш маҳалла! Юриб-юриб, ўз хонадонлари олдида етишибди. Ўша уй, ўша дарвоза ҳали ҳам турибди! Юраклари ҳаприқиб кетибди. Қаранг, қирқ беш йил аввалги ўз уйлари! Опа-ука ўз уйларига кира олмай, ҳатто дарвоза тақиллатишга ҳам журъат қилолмай, у ёққа ўтишибди, бу ёққа ўтишибди. Бола чоғларидagi хотиралар қуяндай ёпирилиб, юраклари энтикибди.

Бир маҳал дарвоза очилиб, бир нотаниш киши чиқиб келибди.

– Қарасам, шу атрофда кўп айланыпсизлар. Кимсизлар, нима иш билан бу ерда юрибсизлар?

Опа-ука ўзларини танитиб, Ўзбекистондан келишганини, эллик йил аввал шу уйда туғилиб ўсганларини айтишибди.

Бояги киши дарвозани очиб, уларни ичкарига тақлиф қилибди. Уй ҳам ўша-ўша, булар чиқиб-тушиб юрган тоқчалар, бекинмачоқ ўйнаган бурчаклар... бари бояғидай турган экан! Бир йиғлаб, бир қулиб, уйнинг янги эгасига бу ҳақда сўзлаб беришибди. У гоҳ ачиниби, гоҳ қулиб эшитибди, қачон келсанглрар, дарвоза очиқ, марҳамат, дебди. Бир-бирини тўғри тушуниб, хайрлашибди.

Албатта, бу уй, бу кўчаларнинг эгалари энди бошқа. Қримтатарлар ватанларига кейин кўчиб боришди ҳам. Бунга “ижозат” теғди. Аммо кичик ватан – ўзлари туғилган, киндик қони томган, униб-ўсган, ота-боболари лой чангаллаб қурган уйларига эга бўлиша олмади...

Аммо нима бўлганда ҳам, ота юртга бориш насиб этди-ку!

Шунинг учун бу жафодийдалар қирқ йил мобайнида бино этган, обод қилган уй-жойларини арзонгаров сотиб, яна ватанга ошиқдилар. Қанотлари бўлса, қушдай учиб боришга тайёр эдилар ўша Алуштадай гўзал маъволарга. Энди тинч яшармиз, дунёдан беармон ўтармиз, деб интиқ бўлдилар.

Тинч яшаяптилармикин, кунларини беармон ўтказаяптилармикин улар?

Невлай...


Йиллар ўтиб, сочга қиров қўнган маҳал одам ёш кезидаги не бир воқеаларни яна ёдга оларкан, ўша жўшқин йилларда унча эътибор қилмаган қай бир нарсалар магзини қақиб, янгича хулосаларга келаркан.

Чиноз томонларда пахта терганимизга ҳозир салкам эллик йил бўляпти. Гоҳ, қаерларда экан бояги Халил, омон бормикин, деб эслаб қоламан. Содда, анойи Халилжон! Тирикмисан, ошна, тирик бўлсанг, қайлардасан?

Қайда бўлсанг ҳам, омон бўл, эл-юртинг омон бўлсин...

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ

ХОТИРА АЗИЗ



КАТАГОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Аҳмадбек ҳожи Темирбеков – Андижон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. Бир неча завод ва ер майдонларига эгалик қилган. У жади́длик ҳаракатининг энг фидойи ҳомийларидан бири эди. Совет ҳокимияти органлари таъқиб ва таъйиқи туфайли 1918 йили бутун мол-мулки, уй-жойларини ташлаб Қошғарга муҳожир бўлиб чиқиб кетишга мажбур бўлган.

Миркомилбой Мўминбоев – 1862 йили Андижон шаҳрида туғилган. У катта ер эгаси, тадбиркор, йирик сармоядор, жади́длик ҳаракатининг хайрихоҳларидан бири бўлган. 1918 йил февраль ойи охирида Андижонга келган Туркистон совет республикаси халқ комиссарлари совети раиси Ф.А.Колесов буйруғи билан Миркомилбой Мўминбоев отувга ҳукм этилган. Ҳукм зудлик билан амалга оширилган.

Қаландар Девонабоев – 1890 йили Андижон шаҳрида туғилган. Миллати ўзбек. “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси бўлган. Андижондаги мусулмон коммунистларига етакчилик қилган. 1918 йилдан совет идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1920 йил 10–23 майда Андижонда Марказдан келган “Қизил Шарқ” номли тарғибот поезди ходимлари томонидан ҳибсга олинган. 1921 йили аксилинқилобий ҳаракатда айбланиб, суд-сўроқсиз отиб ташланган.

Соли Қосимов – 1903 йили Шаҳрихонда туғилган. Архив хужжатларига кўра, у “Шўро Исло” ташкилотининг фаол аъзоси бўлган ва шу сабаб судланган. 1929 йили миллатчи ташкилотдаги иштироки учун ВКП(б)дан ўчирилган. Сохта айбловлар билан қамоққа олинган вақтда хизматчи бўлган. Ноқонуний йиғинларда иштирок этганлиқда, ҳукумат ва партия тадбирларига қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганлиқда айбланиб, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1938 йил 13 февралдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм қилинган.

Мулла Мирзаҳаким Маҳаминхўжаев – 1895 йили Андижон шаҳри Бирлик даҳасида туғилган. Миллати ўзбек. У олий маълумотли мутахассис эди. Ҳибсга олингунга қадар диний хизматчи бўлиб ишлаган. Аксилинқилобий ташкилот иштирокчиси сифатида совет ҳокимиятига қарши қурулқи қўзғолонда иштирок этганлиқда, “Миллий иттиҳод”нинг Андижон филиали раиси сифатида босмачи ходимлар тайёрлаш масаласи билан шуғулланганлиқда, қолхозга қарши бўлгунчилик тарғиботи олиб борганлиқда айбланиб, ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 13 сентябрдаги йиғилиши қарори билан отувга ҳукм этилган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор
Нигорахон АКБАРОВА,
тадқиқотчи
(Давоми келгуси сонда).

МАТОНАТ

9 май – Хотира ва қадрлаш куни нафақат тарихни ёдга олиш, балки юртга муҳаббат, садоқат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини қалбимизда уйғотадиган муқаддас сана ҳисобланади. Бу куни биз фашизмга қарши курашда мардлик ва жасорат намунасини кўрсатган буюк аждодларимизни чуқур эҳтиром билан ёдга оламиз. Ғалабага ўз жони, меҳнати ва сабру матонати билан улкан ҳисса қўшган миллионлаб юртдошларимиз – уруш ва меҳнат фронти фахрийларини алоҳида эҳтиром билан шарафлаймиз.

Бу кун – келажак авлод қалбига миллий ифтихор, ватанга муҳаббат ва жасорат руҳини сингдириш, фидойиллик сабоқларини ўргатиш, ўрганиш палласи ҳам. Мен эса шу муқаддас кунларда отам – Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Халил Йўлдошевнинг фидокорона ҳаёти ва мардонавор хизматларини юксак фахр ва ғурур билан хотирлар эканман, уларнинг ҳаёти орқали на-



фақат бир оила, балки бутун авлод қандай жасорат, сабр ва садоқат билан яшаганини ҳис қиламан.

Отам уруш бошланганидаёқ жанггоҳга йўл олган. У киши фронтда радист, алоқачи ва разведкачи

сифатида хизмат қилган. Гвардия старшинаси унвонини олгач, 7-алоҳида гвардия алоқа ротасига телефон бўлими командирлиги этиб тайинланган.

Жанг майдонида отам ҳаётини кўп бор хавф остига қўйган. Эсимда, у киши бизга Беларусининг Николаевка қишлоғи яқинидаги жанг ҳақида хикоя қилар экан, ҳар гал кўзлариди ёш қалқирди. Артиллерия отишмалари вақтида штаб билан алоқа узилиб қолганида симларни 18 марта улаб, дивизия штабини полк командирлиги билан узлуқсиз мулоқотда ушлаб тургани ҳақида фахр билан гапирарди.

Отам яна бир воқеани қувонч ва изтироб аралаш сўзлаб берган. Фашистларнинг жойлашувини аниқлаш учун юборилган гуруҳ таркибида бўлган отам фронт чизигини кесиб ўтиб, разведка ишларини олиб боради. Сафдошларининг кўпчилиги дайди ўқдан қирилиб кетади, отам эса ярадор ҳолида узоқ йўл босиб, ўта муҳим маълумотни командирга

етказишга муваффақ бўлади. Шу маълумотлар асосида душман устига ҳужум уюштирилиб, улар тормор қилинади.

Отам Курск яқинидаги даҳшатли жангларда, Днепр дарёсини кечиб ўтишда ҳам иштирок этган. Яқинлар тўкин-сочин дастурхон бошида йиқилган кезларимизда у киши баъзан қутилмаганда ҳардамхаёл бўлиб қолар, ҳарчанд сездирмасликка уринса-да, аллақачон бизга ёд бўлган манзаралар – бир неча кун емак-сиз қолиб, қўлмак сувлар ичганлари, ўқлар ёмғири остида дарёдан кечиб ўтганлари – урушнинг оғир заҳматлари ҳаёлида бирма-бир жонланаётгани шундоқ кўзларидан билиниб турарди. Бироқ падаримиз ўткан кунларидан бирор марта нолимас, бу билан қандай юксак матонат эгаси эканлигини сўзсиз ўқтириб кўярди.

Отамнинг ўзлари ҳадеб айтишга оғринадиган, биз эса жон қўлогимиз билан тинглайдиган бир хикояси бўларди. Бу – навбатдаги разведка

вақтида отамнинг олдида душман снаряди портлаб, бир чеккага улқотириб юборгани ва бунинг оқибатида у кишининг оғир жароҳат олиши билан боғлиқ воқеа эди.

Шундан сўнг, 1944 йили отамиз Тошкентга қайтиб, узоқ вақт госпиталда даволанади. Жанггоҳда қўрсатган мардонавор хизматлари учун қўқси шода-шода ордену медалларга тўлади. Хонасига туйқус кириб қолсак, баъзан у кишини ўзига тегишли “Жасорати учун” медалига термирилиб ўттирган ҳолда учратардик. Ўшанда ёнига имлаб, бошимиздан силаб: “Уруш даҳшатини биз кўрдик, сизлар кўрманг. Уруш сиз телевизорда кўрган пахтавор отишмаю қапиллоқ шовқини эмас”, деб чуқур хўрсинарди. Юракни эзадиган оғир сукунат замирида урушнинг неки даҳшати – жондўстан айрилиш, қоррахатлар, оналар фарёди, кўзлари олдида йиқилаётган дўстга ёрдам беролмаслик азоби, етимлик андуҳини... ҳис қилардик. Сўнг “Бугун осмон тинч, дастурхон тўкин, болалар

мактабда ўйнаб-қулиб ўқияпти – энг катта ғалаба, энг буюк неъмат шу – халқнинг эрки, озодлиги”, дея сукунат кесиб, чиройи ёришарди. Ана шу юз-кўзларда тинчлик ҳикмати рўй-рост ўқирдик.

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни арафасида оиламиз аъзолари жам бўлиб, пойтахтимиздаги “Минор” қабристонига йўл оламиз. Ота-онамизнинг қабрини зиёрат қилиб, уларнинг руҳига атаб Қуръон тиловат қиламиз. Илоҳим, ўтган аждодларимиз – Халил отамиз ва Умринисо онамизнинг, уруш ва уруш оқибати қурбонларининг руҳлари шод, охиратлари обод бўлсин.

Кексалар дуоларида ният қилганидек, халқимиз ҳеч қачон уруш нималигини билмасин. Илоҳо, ёшларимиз тинчлик ва фаровонлик, мустақиллик ва эркинлик нашидасини билсин-у, шукронасини қилсин.

Гулжамила АЪЗАМХҶАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими аълочиси



ҚАДРИЯТ

Бахшилик – рухият. Бахшилик – миллат қалбидаги ботирлик, элга садоқат тараннуми. Бахшилик – тирик тарих, беназир санъат. Бахши эса элнинг шонли ўтмишини жонли куйлаб қонда журъат, шижоатни уйғотувчи, эртанги кунга юксак умид бағишловчи маънавий посбондир.

Сўлим Паркент туманида жойлашган Паркент ижод уйида Ўзбекистон халқ бахшиси, халқ оғзаки ижоди анъаналарини муносиб давом эттириб келаётган бетакрор ижодкор, маҳоратли устоз Бахшикул Тоғаев таваллудининг 65 йиллигига бағишлаб “Бахшили эл – ботир эл” мавзусида ташкил этилган халқаро бахшилар қурултойи ҳам ана шу ҳикматга ҳамоҳанг тарзда ўтди.



БАХШИЛИ ЭЛ – БОТИР ЭЛ

“Алпомиш медиа” ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда нафақат юртимиз бахшилари, Ёкутистон, Қирғизистон, Татаристон, Қозғистон, Туркменистондан келган бахшилар, оқинлар, манасчилар, жирова ва ҳофизлар қатнашди.

Ёкутистонлик Аксинья Степанова ижро этган “Олонхо” (ёкут тилида “достон”) қиш из-

шу аслида: бизни оҳанг билан илдизга қайтаради, бизда ўзликни уйғотади. Бахши шуниси билан ҳам халққа яқин.

Ўзимизнинг истеъдодли бахшилардан Сафар бахши Шайдилов, Панжи бахши Дўстмуродов, Фаррух бахши Нуралиев ва бошқалар ижросидаги термаю достонлар томошабинлар қалбига бу илҳомбахш санъат завқини, шавқини янаям кўпроқ

муҳаббат, вафо, фидокорлик каби инжа мавзулар буй-бастини рўй-рост кўрсатади. Бу эса халқ оғзаки ижоди илмий жиҳатдан изчил тадқиқ этилиши керак бўлган бой манба эканини яна бир бор намоён этади.

Анжуманнинг илмий-адабий қиммати ёзувчи, шоир ва соҳада фаолият олиб бораётган фольклоршунос олимлар янада оширдилар. Филология фанлари доктори, профессор Шомирза Турдимов, Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Маждид, ёзувчи Нормурод Норқобилов ўз чиқишларида бахшилиқнинг халқ маънавиятидаги ўрни ва илмий изланишлар учун янги йўналишлар очаётганини таъкидлаб ўтди.

Ижтимоий тармоқларда ҳам ушбу тадбир олқишлаб кутиб олинди. Кўпчилик бу анжуманда халқ маданиятининг ноёб жиҳатлари намоён бўлганини, бахшилиқ маданий мероси сифатида ажоддан авлодга боийиб, жилоланиб ўтиб келаётганини мамнуният билан қайд этди.

Қурултой нафақат санъат байрами, балки туркий халқларнинг маънавий ва маданий ҳамкорлигини мустаҳкамловчи мулоқот майдонида айланди. Яқинда иштирокчиларга ҳомийлар томонидан сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

Дарҳақиқат, бахшилиқ Ватан ва халқ муҳаббати билан йўғрилган руҳий тарбия мактабидир. Бу санъат халқларнинг миллий ўзлиги, маънавий кудратининг яққол ифодаси. Ана шундай улғувор санъат нуралига тўйиниб улғайган авлод енгилмас, ботир бўлажак.

Санобар МЕҲМОН

ФЕСТИВАЛЬ

БОР БЎЛ, ҚОЗОҚ БОВУРИМ!

Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган Х Халқаро шеърят ва мусиқа фестивали туркий тилли мамлакатлар адабиёт ва санъат соҳаси вакиллари ўз бағрига чорлади.

Бу галги фестивал ташкилотчилари Туркиянинг Чукурова адабий уюшмаси, Қозғистоннинг “Муқали” халқаро хайрия фонди ва “АР” нашриёт уйи бўлди.



Фестивалда Туркия, Озарбайжон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Татаристон, Бошқирдистон, Шарқий Туркистон (ХХР), Мўғулистон, Моғаристон, Қорачой, Доғистон, Олтой, Ёкутистон, шунингдек, Ироқ делегациялари иштироки кўзда тутилганининг ўзи ҳам унинг миқёсини кўрсатиб турибди.

Фестивалнинг расмий очилиши ўзгача бир шукуҳ ва тантанаворлик касб этди. Мезбон қардошларимиз миллий куй ва кўшиқлар оҳанги жўрлигида бизни Қозғистон Миллий кутубхонасида кутиб олди.

Сўзга чиққан ҳар бир юрт вакили фестивал иштирокчиларини ўз она тилида қутлар экан, туркий бирлигимиз, яқдиллигимиз, келгусида адабиётимиз хазинасини бойитмоқ, ўзаро дўстлигимизни мустаҳкамламоқ йўлида ҳамкорликда амалга оширмоғимиз лозим бўлган режаларига тўхталди.

Фестивал кўнларида биз қозоқ халқининг таниқли санъат усталари иштирокидаги концертдан баҳраманд бўлдик, халқ чолғу созлари музейини бориб кўрдик. Тадбир ташкил этилган Қозғистон Миллий кутубхонасидаги нодир китоблар жамланмаси билан танишиб маънавий бойидик, ўзимиз учун катта илмий манба олдик.

Маълумки, Абай Қўнанбоев қозоқ адабиёти ва қозоқ тилига асос солган буюк оқин. Шоирнинг шеър дустонлари, насрий асарлари, таржималари қозоқ халқининг миллий-маънавий ифтихори саналади. Абай халқларни дўстлик ва биродарликка, ҳамжиҳатликка чақирган, тинчлик ва осойишталикни, меҳр-муҳаббатни улуғлаган.

Фестиваль давомиде Абай таваллудининг 180 йиллиги ҳам кенг нишонланди. Хусусан, қозоқ адабиёти ва санъатининг атоқли намоёндалари, олимлари иштирокида учрашувлар ўтказилди. Унда турк, ўзбек, қирғиз, озар ижодкорлари ҳам ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

Қувонарли ҳолат шуки: бизга таржумоннинг кераги бўлмади. Туркий юрак билан бир-биримизни англадик, туркий

оҳанглар жон томирларимизгача етиб борди, туркий бирлигимиз йўлида, кичик бўлса-да, яна бир қадам қўйдик.

Адабий тадбирларнинг бирида исми менга яқин туюлган асл озар фарзанди бўлган Навоий Метин (Nevai Metin) билан суҳбатлашганимда у шундай фикрларни айтди: “Отанинг улғу шоир Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ижодига муҳаббати баянд бўлиб, ҳавас ила менга Навоий дея исм қўйган. Менинг ҳам ўзбек шеърятига, адабиётимга меҳрим чексиз. Мумтоз адабиётингиздан бошлаб, Абдулла Ориф, Эркин Воҳидов ва бугунги кун ўзбек ижодкорларигача севиб мутлола қилман. Бугун уларнинг кўпи билан дўсту қадрдон, оға-инимиз. Аслида ҳам биз туркий тилли миллатлар қадимдан бир халқмиз. Тарихимиз, тилимиз, урф-одатларимиз, миллий кадриятларимиз уйғун. Бизни бирлаштирадиган ана шу жиҳатларни янада яқинлаштириб, камол топтирмоғимиз, елкама-елка туриб, бир-биримизни қўллаб-қувватламоғимиз лозим”.

Олмаотанинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қиларканман, гўзал ва мафтункор табиатга аҳолининг муносабатига ҳавас қилдим. Кўчалар равон, ниҳоятда озода, эътиборсиз қолдирилган ҳудудни кўрмайсиз. Биз қардошларимиздан бу жиҳатдан ўрнат олсак арзийди.

Бугунги алғов-далғов, талотўп дунёда атрофга боқиб, илқингни мустаҳкам тутувчи бир дўст қидирасан. Айни шу дилдошни қадим илдиэларинг, дарёларинг туташ, томирингдаги қонинг бир бўлган қондошинг, қардошинг, бовуринг тимсолида кўриш одамга беҳад куч ва қувонч бағишлайди. Адабиёт, шеърят, санъат эса ўз ўрнида халқларимиз ўртасидаги азалий ва адабий дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида камарбаста бўлиб хизмат қилади.

Зилола ХЎЖАНИЁЗОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



ғиринида паноҳ излаган табиат ва жамики жонзотнинг Яратувчига нолаасидек эшитилади. Олтой ўлкасидан келган бахши аёлнинг ҳазин ва самимий оҳанги эса гўё шарқироқ сойлар билан тиллашувга ўхшайди. Унинг сас-садолари қалбларга қадим Энасой дарёси соҳилларида яшаган ажодлардан мактубдай эшитилади. Чинакам бахшилиқ ҳам

улашди. Бахшилар туркий халқлар этномаданий меросининг ноёб дурдона асарлари сирасига кирувчи қахрамонлик достонлари, айтишувлардан намуналар ижро этди.

Бахшилиқнинг ўзига хос жиҳати шундаки, у нафақат санъат, балки тарихий хотира ва фалсафий теранликни ҳам ўз ичига олади. Бахшилар ижросида кўхна тарих, қахрамонлик,

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

Оилада гап кўп...

Ғарб давлатлари ва Россия кўп муаммоларнинг сабаби оила институтининг йўқолиб бораётгани эканини тушуниб етган кўринади. Шахсий кузатувларимда шундай ҳулосага келяпман.

Масалан, Россиянинг ички ишлар ходими ҳақида ишланган “Биринчи бўлим” сериалининг охириги қисмларида оила, фарзанд тарбияси ҳақида эпизодлар кўпайтирилган. Яқинда “Нет-фликс” томонидан ишланган “Балоғат даври” сериали ҳам айнан оилавий кадриятларнинг муҳимлигини тарғиб қилмоқда. Яъни, оила институти энди медиа орқали тарғиб қилинмоқда.

Францияда ўтказилган тадқиқотлар эса оилалардаги муаммоларнинг 25 фоизи ортиқча иш вақти билан боғлиқ низолар туфайли пайдо бўлаётганини аниқлаган. Бу – жиддий сигнал!

Ҳақиқатан, оила инсонни жуда кўп масалада тартибга, масъулиятга ўргатади. Оиласи йўқларни бир кузатинг. Уларни тийиб турадиган ҳеч нарса йўқ, топганини пала-партиш ҳаётга сарфлаган, руҳий толиқиб, турли касалликлар...

Оила муҳитидаги одамлар эса дардлашадиган, сўянадиган, меҳр кўрадиган одамлари борлигини билади ва



хотиржам бўлади. Айнан оиласида ҳаловати борлар ҳаётдан завқ олиб яшай оладилар. Оиласиз ёки оиласида муаммо бўла туриб, ўзини маза қилиб яшаётгандек кўрсатадиганлар эса, усти чиройли лекин ичидан чириган олма кабидирлар. Танимайдиганлар уларга ҳавас қилгандек қарашади, билганлар эса аини тоифага мансуб инсонларга

ачиниш ҳисси билан боқади.

Тўғри ва мақбул йўл шуки, оилага кўпроқ вақт ва маблағ сарфлаш керак. Уни мустаҳкамлашдан тўхтамаслик лозим. Чунки у бизнинг бир умрлик манзилимиз. Қолгани эса шунчаки вақтинчалик ҳаваслардир...

Ҳамза ЖУМАЕВ
Фейсбук

ТИЛБИЛИМ



ОВ ҚУШИНИНГ ГАЛСТУГИ

Ит бўйнига тақиладиган тасма қадимги тилимизда қалода деб аталгани ҳақида айтиб ўтган эдик. Ов қушларининг бўйнига тақиладиган махсус бўйинбоғ қарғи деб аталиши ҳақида “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” китобининг 3-жилдида маълумот келтирилган.

Шу китобнинг 8-жилдида жиғаеул сўзига шундай изоҳ берилган: “бу сўзнинг асл маъноси ов қушининг бўйнига бойланадиган бўйинбоғ бўлиб, фольклорда “шикор беги” маъносида ҳам қўлланади” (“Жиғаеул ва шиғаеул” мақоласига қаранг). Яна долбай сўзи “қуш кўнадиган кўндок” деб изоҳланган. Мен “Овчи қуш ва долбой” деган мақоламда “Гўрўглининг туғилиши” достонига таяниб, долбой сўзи “овчи қушнинг кўлга келтириш учун унга кўрсатиладиган гўшт” маъносини аниқлаштириш ҳақида айтиб ўтганман.

Ов қуши кўндириладиган сим кўндок тилимизда чакас деган сўз билан ифодаланган. Бу сўз эртақ ва достонларимизда учрайди:

Қора йўрға бўлсин барин мингани,
Юзта чакас берсин қушлар кўнгани.
 (“Бўтақўз”)

Эшқобил ШУКУР

Jadid
adabiy, ilmiy-ma'rifiy va ijtimoiy-hadikaliy gazeta

Муассислар:



ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ
ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ



МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ
Қўллаб-қувватлаш
ВА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЖАМОАТ ФОНДИ



“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ”
ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Масъул котиб:
Шўҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчехра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Муаллиф фикри тахририят фикри билан мос келмаслиги мумкин.

Тахририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 195115 рақам
билан рўйхатга олинган.

Адади – 19 739

Шундан:

Кирилл ёзувида – 8 025

Лотин ёзувида – 11 714

Медиа кузатувчилар – 43 632

Бююрма: Г – 539

Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.

Нашр кўрсаткичи – 222.

Ташкилотлар учун – 223.

1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:

Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:

Қабулхона: (71) 203-24-20

Девонхона: (97) 745-03-69

jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17

Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа

акциядорлик компанияси

босмахонаси.

Босмахона манзили:

Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00

Босишга топширилди: 20:30

Сотувда нархи эркин.



www.jadid.uz